

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

*Қўл ёзма ҳуқуқида*

*УДК: 416.732/371.31*

ЖЎРАЕВ ИСЛОМЖОН МАМАСОДИКОВИЧ

**Инглиз тилининг адабий варианты ва ўқитиш  
нормасини танлаш муаммолари**

5A120102 – Лингвистика (инглиз тили)

Магистр  
академик даражасини олиш учун ёзилган  
диссертация

**Илмий раҳбар:**

**ФарДУ доценти, ф.ф.н Солижонов С .А.**

Фарғона – 2017



## МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
<b>I БОБ. Инглиз тилини дунё миқёсидаги инглиз тилида гаплашувчи минтақалар бўйича умумий таснифи .....</b>	<b>10</b>
1.1. Инглиз тили халқаро тил сифатида. Инглиз тилининг адабий вариантлари ва уларнинг турлари.....	10
1.2. Ҳозирги замон тилшунослигида адабий инглиз тилини ҳудудлараро фарқлари ва алоҳида хусусиятлари.....	20
1.3 Адабий инглиз тилини ҳудудий вариантлари тарихи ва ўзаро боғлиқликлари.....	25
Биринчи боб бўйича хулосалар .....	32
<b>II БОБ. Ҳозирги замон инглиз тили адабий вариантлари таҳлили ва изоҳлари.....</b>	<b>33</b>
2.1 Британча ва американча инглиз тили вариантларини оммавийлиги ва солиштирма изоҳлари.....	33
2.2 Инглиз тили адабий вариантларини мисоллар ва ишлатиш ўринлари бўйича таҳлили.....	37
2.3 Инглиз тилини ўқитишда, талаффуз нормалари ва қоидаларининг ўрни ва аҳамияти, адабий вариантлар танлашдаги муаммолар.....	49
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	53
<b>III БОБ. Адабий инглиз тилининг маҳаллий кўринишлари ва уларнинг тилдаги аҳамияти.....</b>	<b>54</b>
3.1. Адабий инглиз тилида шевалар, лаҳча, жаргонлар ва уларнинг ишлатилиш ўринлари ва аҳамияти.....	54
3.2 Адабий инглиз тилини ўқитишда сўзларнинг семантик, лексик, морфологик ва грамматик хоссалари.....	66
3.3 Маҳаллий вариантларнинг тил ривожига таъсири ва ўқитишдаги ўрни .....	76
Учинчи боб бўйича хулосалар.....	81
<b>УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР.....</b>	<b>82</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар .....</b>	<b>86</b>

## КИРИШ

Мустақилликка эришганимиздан сўнг, Биринчи Президентимиз, мустақиллик асосчиси, буюк давлат арбоби Ислоом Абдуғаниевич Каримов илм-фанни аҳамияти ҳақида кўп нутқларида таъкидлаб ўтганлар, шунингдек илм фанни ривожлантиришга қаратилган бир қанча фармонлар чиқиб, улар ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Шу ўринда Биринчи Президентимиз: “Биз фарзандларимизга чет тилларини ўргатиш- такомиллаштириш бўйича камрови ва мазмун – моҳияти бўйича катта ишларни бошладик. Жумладан, 2012 йилда шу борада махсус қарор қабул қилдик. Шу қисқа даврда бу ишларимиз ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бошлаган ишларимизни изчил давом эттирсак, насиб этса, бу борада ҳам “портлаш эффекти” га эришамиз. Шунда дунёда бизнинг фарзандларимизнинг олдига тушадиганнинг ўзи бўлмайди”<sup>1</sup> деганлар. Тадқиқот ишимизда инглиз тилининг адабий варианты ва уларнинг турлари ўртасидаги фарқли хусусиятларини ёритишга ҳаракат қилар эканмиз, мухтарам президентимиз Шавкат Мирзиёев сўзлаган нутқларида ёшларга доир қуйидаги фикрларини айтиб ўтиш зарур деб ҳисоблаймиз: “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”<sup>2</sup>.

Бундан кўриниб турибдики, илм фан билан шуғулланишга кенг имкониятлар очилган даврда яшамоқдамиз.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015. 252– б.

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.–Т.: Ўзбекистон, 2016.14 – б.

**Мавзунинг долзарблиги.** Илм фан тараққиёти ривожланаётган бир даврда тилларнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятига алоҳида урғу бериш лозим. Шу аснода инглиз тилининг дунё минтақаларидаги роли жуда катта. Бутун дунёнинг тўртдан бир қисми ушбу тилда сўзлашиб, шу тилдан муомала воситаси сифатида фойдаланади. Инглиз тили минг йиллик тил бўлиб, ҳозирда дунёда энг кўп гаплашиладиган ва фойдаланиладиган тил ҳисобланади. Бу тилнинг бу даражада кенг тарқалишида инсон ва жамият ҳаракати, талаби ва эҳтиёжи сабаб бўлган. Шунинг учун ҳам ушбу тилнинг оммалашиб кетганлиги табиий. Тил ўрганишга талаб ортиб борар экан, тилдан фойдаланувчилар сони ҳам ошиб боради. Бирор тил қанчалик кўп тарқалса, унинг ҳудудлар ва минтақалараро фарқланиб ривожланиши, ҳамда вариантларга бўлинишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида бир тилнинг турли кўриниш ва ишлатилиш қоидаларга эга бўлишига сабаб бўлади. Ҳозирги кунда замонавий тилшунослар инглиз тилини 3 кўринишга бўлиб фарқлашишади, булар инглиз тилининг стандарт кўриниши, инглиз тилининг адабий вариантлари ва маҳаллий диалектлар. Шунингдек, тилшунослар адабий инглиз тилини ўрганиш ва ўргатиш жараёнида минтақавий тил фарқлари юзасидан турлича муаммолар келиб чиққанлигини ва келиб чиқиши мумкинлигини таъкидлаб, бу соҳада кўп изланишлар амалга оширдилар. Лекин, вариантлар ўртасидаги фарқлар, ўхшашликлар сақланиб қолиб тилнинг ўша ҳудуд фойдаланувчилари учун хос бўлиб қолаверади. Тилшунослар инглиз тилини адабий вариантларини ўқитиш жараёнида қайси нормаларга асосланиш керак эканликлари бўйича бир хулосага келишгани йўқ. Лекин, тил тарихи, йиллар давомидаги бутун дунё тилшунослар хулоса ва таҳлилларидан шу аниқки, тил ўрганиш ва ўргатишда унинг ҳар жиҳатдан ўрганиб чиқиш муҳим. Аммо ҳозирги кунда инглиз тилини 2-тил сифатида ўрганаётганлар унинг адабий вариантлари ва турлари, стандарт, ностандарт кўринишларидан ҳам хабардорми? Лингвистик нуқтаи назардан , бу хусусиятлар ўргатиладими?

Ёки ўргатилганда ҳам қай ҳолатда тушунтирилиши керак? Ушбу диссертациянинг асосий мазмун моҳияти инглиз тилини чуқур тахлилий муҳокамасига бағишланган бўлиб, инглиз тилининг адабий вариантлари ва турлари, маҳаллий хусусиятлари, қонун қоидаларини ташкил этади. Инглиз тили адабий вариантлари бўйича ўзбек тилида яхлит манбанинг мавжуд эмаслиги, бор бўлган манбаларнинг ҳам ҳажман кичик эканлиги ушбу диссертация мавзуси танланишига сабаб бўлди. Тил ўрганувчи, айниқса тил ўргатувчи инглиз тилининг адабий вариант хусусиятларини яхши билиши ва амалда мисоллар билан тахлил қила олиши керак. Шундай экан, тил муҳокамасига бағишланган ушбу тахлилий мавзу қизик ва муҳим аҳамият касб этиши аниқ.

**Тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси.** Адабий инглиз тилининг ҳудудлараро варианты мавзуси устида кўплаб олимлар изланишлар олиб борган. Улардан А.А.Абдуазизов, А.А.Гарнцева, Т.А.Расторгуева, И.П.Иванова, Л.П.Чахоян, О.В.Александрова, А.Д.Швейцер, И.В.Арнольд, Т.М.Беляева, И.А.Потапова, М.М.Маковский, Г.Б.Антрушина; Инглиз тилшуносларидан Бекс, Тоний, Ричард Ж. Ваттс, Блейк, Бурридж, Бернд Кортманн, Кровлей, Кристал, Дуркин, Лаура, ЖС Веллс, Ҳиккей, Раймонд, Петер Трудгилл, Коллинс кабиларни санаб ўтиш мумкин. Америкалик олимлардан Ҳардер, С.Жайн, Томас Шеридан, W.Эдгар, Жеремий, Ҳадсон, Биндер, Девид, Волфрам, Валт лар ҳам ушбу мавзу устида иш олиб борган тадқиқотчилардан ҳисобланишади.

**Тадқиқот объекти.** Тадқиқот объекти сифатида адабий инглиз тилининг ҳудудий вариантлари олинди.

**Тадқиқот предмети.** Тадқиқот предмети сифатида ҳудудий вариантларнинг фарқлари, ўхшашликлари, семантик, морфологик ва лексик хусусиятлари кўрилади.

**Тадқиқот мақсади ва вазифалари.** Тадқиқотнинг асосий мақсади ҳозирги замон инглиз тили адабий вариантлари қиёсий тахлилинини

келтириш, унинг солиштирма жиҳатларини таснифини беришдан ҳамда адабий инглиз тили вариантларини ҳудудий кўринишларини олий мактабда ўқитиш бўйича услубий тавсиялар ва машқлар тизими яратишдан иборатдир. Шу аснода қуйидаги вазифалар белгиланди:

- Адабий инглиз тилининг ҳудудий вариантларига турли ёндошувлар таҳлили билан танишиш;
- Ҳудудий вариантларни ёритиш ва қиёсий таҳлилни келтириш;
- Адабий вариантлар ўртасидаги фарқлар ва ўхшашлик жиҳатларини очиқ бериш ва уларнинг таснифини келтириш;
- Адабий инглиз тилида шевалар, лаҳча, жаргонлар ва уларнинг ишлатилиш ўринларини ёритиш
- Адабий инглиз тили ва ҳудудий вариантларини ўқитишда сўзларнинг семантик, лексик, морфологик, ва грамматик хоссаларини ёритиб бериш;
- Инглиз тилининг адабий ва ҳудудий вариантларини олий мактабда ўқитиш бўйича услубий тавсиялар ва машқлар тизимини яратиш;

**Тадқиқотнинг назарий ва методологик асоси.** Тадқиқотни амалга оширишда машҳур тилшунослар А.А.Абдуазизов, А.А.Гарнцева, Т.А.Расторгуева, И.П. Иванова, Л.П.Чахоян, О.В.Александрова, А.Д.Швейцер, И.В.Арнольд, Т.М.Беляева, И.А.Потапова, М.М.Маковский, Г.Б.Антрушина ва инглиз олимларидан Крисс Катсиавриадес, Горлак, Манфред, Магглстоун, Смит, Кровлий, Кристал Девид, Дуркин, Лаура, ЖС. Веллс, Ҳикей Раймонд, Петер Трудгилл, Коллинс, Томас Шеридан, Эдгар W., Жеремий, Ҳадсон ларнинг асарларига таяндик.

**Тадқиқот методлари.** Тадқиқотимизнинг асосий методи қиёсий-чоғиштирма метод бўлиб, бунда инглиз тилининг ҳудудий вариантларининг қиёсий таҳлилни келтиришда кенг фойдаланилган. Бундан ташқари тўпланган материаллар ҳозирги замон тилшунослик

фанида кенг қўлланилаётган структурал, семантик, коммуникатив, культурологик, таҳлилий ёндашувлар ёрдамида таҳлил этилди.

**Тадқиқотнинг назарий – амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, ҳозирги замон инглиз тили адабий вариантлари илк маротаба қиёслаб таҳлил этилди. Инглиз тилида гаплашувчи минтақалар бўйича таҳлилий ва тавсифий усулда, қиёсий-чоғиштирма, структурал ҳамда семантик методлар асосида ёритилди. Шу соҳага оид тадқиқотларга таянган ҳолда, инглиз тилининг худудий вариантлари инглиз тилида гаплашувчи минтақаларда ўзига хос ва мос хусусиятларга эга эканлиги исботланди.

Диссертация натижалари олий ўқув юртларида тахсил олаётган талабалар учун “Назарий грамматика”, “Умумий тилшунослик” каби фанлардан махсус курслар ўтиш, маъруза матнлари ва услубий кўрсатмалар, мажмуалар тайёрлашда кенг қўлланилиши мумкин. Шунингдек, академик лицей ва коллеж ўқувчиларининг мустақил таълимини ташкил этишда фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

**Тадқиқотнинг структурал таркиби.** Диссертация кириш, уч боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ҳар бир боб ўз мазмуни ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ички қисмларга бўлинган.

Тадқиқотнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқот объекти, предмети, мақсади ва вазифалари, назарий ва методологик асоси, тадқиқот методлари, назарий – амалий аҳамияти, структурал таркиби хусусида маълумот берилади.

Биринчи боб – “Инглиз тилини дунё миқёсидаги инглиз тилида гаплашувчи минтақалар бўйича умумий таснифи”да инглиз тилининг адабий вариантлари ва турлари, инглиз тилини худудлараро фарқлари, тарихи ва боғлиқликларининг таҳлили амалга оширилган.



“Ҳозирги замон инглиз тили адабий вариантлари таҳлили ва изоҳлари”га бағишланган иккинчи бобда британча ва американча инглиз тили вариантларини солиштирма изоҳлари, ишлатиш ўринлари бўйича таҳлили, инглиз тилини ўқитишда талаффуз нормалари, қоидаларнинг ўрни ва аҳамияти келтирилган.

“Адабий инглиз тилининг маҳаллий кўринишлари ва уларнинг тилдаги аҳамияти” деб номланган учинчи бобда адабий инглиз тилида шева, лаҳча, жаргонлар ва уларнинг ишлатиш ўринлари, инглиз тилини ўқитишда сўзларнинг семантик, лексик, морфологик ва грамматик хоссалари, маҳаллий вариантларнинг тил ривожига таъсири кўрилган.

Хулосада тадқиқ этилган материаллар таҳлилидан келиб чиқадиган асосий натижалар, назарий ва амалий умумлашмалар баён этилган.

# **I БОБ. Инглиз тилини дунё миқёсидаги инглиз тилида гаплашувчи минтақалар бўйича умумий таснифи ва Инглиз тили халқаро тил сифатида.**

## **1.1. Инглиз тили халқаро тил сифатида. Инглиз тилининг адабий вариантлари ва уларнинг турлари.**

Тил инсонларнинг ўй фикрлари, талаб ва истаклари, мақсадларини ифода этувчи асосий воситадир. Тил ўзининг ана шу хусусияти билан инсонларни ўзаро алоқа қилишига имкон яратади. Инсоният яралибдики, мулоқот учун йўл излаган ва турли даврий еврилишлар таъсирида тил шаклланган. Бугунги кунда 6909 дан ортиқ тил мавжудлиги аниқланган.

Жамиятни тилсиз тасаввур қилиш қийин. Тил жамият ривожини билан биргаликда ривожланади. Тиллар турлича бўлганидек, унда сўзлашувчилар ҳам турлича бўлади. Масалан, дунёда 3586 та энг кичик тиллар мавжудки, унда дунё аҳолисининг атиги 0.2 фоизи сўзлашади, 2935 та ўртача катталиқдаги тиллар мавжуд бўлиб унда дунёнинг 20.4 фоиз аҳолиси гаплашади, дунёнинг 83 та энг катта тиллар мавжудки, унда сайёрамизнинг 79.4 фоиз аҳолиси фойдаланадилар.<sup>3</sup> Биз ўрганаётган инглиз тили эса шу энг кўп фойдаланувчиларга эга тилдир. Инглиз тилининг худудий тарқалиши ҳам кенг ва турличадир. У дунё тили - халқаро кенгашларида, симпозиумларида ишлатилувчи, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида расмий тил сифатида тан олинган тил ҳисобланади. Бугун дунёда 40 дан ортиқ мамлакатларда бу тил давлат (алоҳида давлат фармойиши асосида давлат тили мақоми берилган, шу давлатнинг барча соҳаларида қўлланиладиган тил) тили, расмий (“ давлат худудида расмий тан олинган, барча соҳаларда қўлланиладиган”<sup>4</sup> иш

---

<sup>3</sup> Kryss Katsiavrides. The Origin and History of the English language.

<sup>4</sup> Абдуазизов А. Тилшунослик назариясига кириш. –Т.: “Шарк” 2010.

юритиш ва мулоқот тилидир. Улардан биринчиси Буюк Британия бўлиб, инглиз тилининг яралган ватанидир. Инглиз тили дунёнинг ҳар бир худудида ўз сўзловчиларига эгадир.

Мана масалан, Африкада 17 та - Ботсвана, Гамбия, Гана, Жанубий Африка Республикаси, Замбия, Зимбабве, Камерун, Кения, Лесото, Либерия, Малави, Нигерия Руанда, Свазиленд, Серро леоне, Танзания, Уганда каби мамлакатлар; Америка қитъасида 8 та - АҚШ, Белиз, Виргин ороллари, Гаяна, Кайман ороллари, Пуерто Рико, Теркс ва Кайкос ороллари, Канада, Осиё қитъасида 6 та - Бангладеш, Бруней, Гонгконг, Покистон, Сингапур, Ҳиндистон; Европа қитъасида 4 та - Англия, Буюк Британия, Гибралтар, Ирландия; Тинч океани давлатлари 10 та - Вануату, Гуам, Кирибати, Маршалл ороллари, Микронезия, Науру, Папуа, Янги Гивинейя, Соломон ороллари, Тонга, Тувалу, Фиджи, Янги Зеландия, Ҳинд океанида 2 та - давлат Маврикий, Сейшелл ороллари; Атлантикада 2 та - Бермуд ороллари, Фолкленд ороллари; Вест Индианинг 3 та давлати Антигуа ва Барбуда, Багам ороллари, Монсеррат; Кариб денгизида 8 та давлат - Барбадос, Гренада, Доминикана, Сенвинсент ва Гренадин, Сенкитс ва Невис, Сент Луйис, Тринидад ва Тобаго, Ямайка каби давлатларда инглиз тили давлат тили сифатида қўлланилади. Бу каби қатор турли минтақа мамлакат халқлари орасига ёйилган инглиз тилининг миллий ва худудий вариант, шева, лаҳжаларга эга бўлиши шубҳасиздир. Шунинг учун ҳам ушбу инглиз тилининг вариантлари ва улар ўртасидаги фарқлар, ўхшашликлар, бетакрор хусусиятлар жуда қизиқ ва албатта муҳокамали.

Инглиз тилининг асосий вариантлари. Инглиз тилининг 3 турдаги фарқлари: стандарт инглиз тили, ҳудудий вариантлар ва маҳаллий диалектларга бўлиб ўрганилади. Стандарт инглиз тили шу тилнинг адабий кўриниши бўлиб инглиз тилида гаплашадиган барча давлатлар ва дунё миқёсида тан олинган ва қабул қилинган кўринишидир. Стандарт инглиз тилини бадиий адабиёт, оммавий ахборот воситалари, публицистика, журналистика, таълим ва жамиятнинг бошқа соҳалари наъмуналарида кўриш мумкин.

Инглиз тилининг ҳудудий вариантлари эса, ушбу тил нормаларини ҳудудлараро танлаб олинган ва кенг ишлатиладиган кўриниши ҳисобланади. Булар жойнинг аҳоли қатлами маданияти, тарқалишига қараб турланиши мумкин. Масалан, Бирлашган Қироллик ҳудудида инглиз тилининг Британча, Шотландча, Ирландча кўринишлари мавжуд бўлса, Британия оролларида ташқари ҳудудларда Американча инглиз тили, Канада инглиз тилиси, Янги Зеландия инглиз тилиси, Жанубий Африка, Австралия ва Хиндистон инглиз тиллари мавжуд<sup>5</sup>. Булар бир тилнинг бир нечта кўринишлари бўлиб мулоқот учун хизмат қилади. Уларнинг тузилиш хусусиятлари айниқса морфологик, синтактик, сўз қурилиши ва фонетик таркиби бир хил. Британия инглиз тилиси стандарт инглиз тилига асос бўлган бўлиб, талаффуз қоидалари бутун дунё таълими ва меъёрлари учун асос қилиб қабул қилинган. Маҳаллий диалектлар эса асосан оғзаки нутқ учун хос бўлиб, уларни адабий тил меъёрларига алоқадор эмас ва фақатгина маълум ҳудуд ва кишилар мулоқотини бойитувчи тил кўриниши ҳисобланади.

---

<sup>5</sup> Беляева Т.М., Потапова И.А. Английский язык за пределами Англии. – М.: 1961.

Британия ороллари ташқарисидаги инглиз тили вариантлари.

Американча инглиз тили. Ҳеч кимга сир эмаски, охириги 100 йилликда Америка фан, техника, саноат, таълим каби турли соҳаларда жуда катта ривожланишлар қилди ва албатта бу ривожланиш унинг тили яъни инглиз тилининг ҳам доминантлик қилишига ва дунё бўйлаб кенг тарқалишига сабаб бўлди. Аслида келиб чиқиши Британия ҳудуди бўлган айрим сўзлар ривожланиш таъсирида ясашига ва айниқса фонетик ўзгаришларга эга бўлди ва аҳоли қатламлари томонидан ўзгарган ҳолати маъқулланиб ишлатила бошланди. Бу бир томондан тилни луғат бойлигига таъсир қилса, иккинчи томондан сўзларни ишлатишда иккиланишларни келтириб чиқаради.

Канада инглиз тилиси. Канада инглиз тилисидаги сўзларнинг ёзилиши Британия инглиз тилиси ва Америка инглиз тилисининг ўртасидаги кўриниши бўлиб, аммо оғзаки шакли Америка инглиз тилисига жуда яқин. Шунингдек, Канадада француз ва инглиз тили расмий тил бўлганлиги туфайли, Француз тилининг таъсири ҳам сўзлар ясаши ва айниқса фонетик кўринишларида намоён бўлади. Канада инглиз тилисида шундай сўзлар борки, адабий инглиз тилининг бошқа вариантларида сира учрамайди. Масалан; *Parkade-parking garage, ёки chesterfield-sofa,coach* . Хатто, айрим сўзларда маъно фарқликларини кўриш мумкин. Масалан, *to table document-to present it* ( Канада инглиз тилисида), *to withdraw* ( Американча инглиз тилисида) Бугунгу кунда Канада 10 та провинсия ва 2 та ҳудуддан иборат федератив давлат. Аҳолиси аралаш: асосий (1/2) қисмини инглиз -Британия ва Америкалик кўчманчиларнинг авлодлари ташкил қилса, француз ва канадалиқлар аҳолининг 3/1 қисмини ташкил қилади.<sup>6</sup>

---

<sup>6</sup> Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. –М.:1973. -236с

Австралия инглиз тилиси. Австралия минтақасида оғзаки нутқда ишлатиладиган инглиз тили Австралия инглиз тилиси дейилади. Ривожланиш тасъирида мамлакат ҳудудига турли маҳсулотлар билан биргаликда сўзлар ҳам кириб келган бўлиб, Австралия аҳолиси тилдаги сўзларни ўзларига мослаштирган. Булар асосан инглиз тилидаги замонавий сўзлар истеъмолида, кўринишларида намоён бўлади. Ҳудуд жиҳатидан алоҳида бўлганлиги туфайли ташқи таъсирлардан кўра ўзидаги сўзларнинг тарихий ясалиши таъсирини учратиш мумкин. Яқинлик жиҳатидан Британия инглиз тилисига яқин, аммо Американча сўзларни ўзлаштирилганилиги ҳам мисолларда намоён бўлади. Янги Зеландия инглиз тилиси австралия инглиз тилиси билан деярли бир хил. Австралия инглиз тилиси бир нечта фақат австралия учун хос бўлган терминлар билан ишлатилади. Мисол учун *outback* сўзи- чекка ҳудуд маъносида, *bush*-маҳаллий ўрмонли ҳудуд, *walkabout*-узоқ масофали саёҳат. Аборогенлар маҳаллий тили элементлари ҳам Австралия тилига кириб келган. Булар асосан маҳаллий ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига оид бўлган сўзлар. Масалан: *dingo, kangaroo, boomerang* ( ҳайвон номлари). Шу билан бирга жой номларига нисбатан ҳам ишлатилади.<sup>7</sup>

Австралия инглиз тилисининг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, сўз охирида *-o* ёки *ie* қўшимчалари жуда кўп учрайди;

Масалан: *arvo-afternoon / Servo-service/ Bikkie-biscuit*

Янги Зеландия инглиз тилиси. Янги Зеландия инглиз тилиси дейилганда Янги Зеландиянинг оғзаки тили учун хос бўлган маҳаллий аҳоли томонидан ишлатиладиган инглиз тили тушунилади. Янги Зеландия инглиз тилиси талаффузи жиҳатидан Австралия инглиз тилисига жуда яқин. Янги Зеландиянинг жуда кўп сўзлари маҳаллий Маори халқи сўзларидан олинган бўлиб, маҳаллий ҳайвонлар, табиат ўсимликлари,

---

<sup>7</sup> Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. –М.:1973. – 246с

қушлар номлари ишлатилишида сўзлар ҳилма-хиллигини учратиш мумкин.<sup>8</sup>

Масалан; *kiwi* — қуш номи

*Shellfish* - балиқ тури номи

*Kauri* - маҳаллий дарахт номи

Нафақат оддий сўзлар, балки идиомаларда ҳам Янги Зеландия инглиз тилисининг ўзига хослигини учратиш мумкин. Масалан: *Sticky beak* - кишиларнинг шахсий муаммоларига қизиқувчан одамларни тасвирлаш учун ишлатиладиган сўз бўлиб, кўпинча ёмон одат ва характер сифатида изоҳланади.

Жанубий Африка инглиз тилиси. Ушбу тил Жанубий Африканинг асосан Намибия ва Зимбабве худудлари учун хос бўлиб, маҳаллий оқ танли аҳолинг 40 фоизи, қора танли аҳолининг жуда камчилиги бу тилда сўзлашадилар. Талаффузи асосан Британия ва Австралия инглиз тилисининг қоришмаси. Аммо Африка инглиз тилисида Австралия инглиз тилисида ҳам , Британия инглиз тилисида ҳам учрамайдига сўзлар бор бўлиб, масалан; *bra,bru-* ўғил бола дўст, *sat-(dead)-* ўлик маъноларида ишлатилиб, бу сўзларни инглиз тилининг бошқа вариантларида учратмаймиз. Жанубий Африка инглиз тилисининг айрим сўзлари дунё инглиз тилисига кириб борган.<sup>9</sup>

Мисол учун: *Apartheid* - ирқчилик-сўзи , ёки *trek* -узоқ масофага саёҳат

Ҳиндистон инглиз тилиси. Ҳиндистонда кенг миқёсда ишлатилувчи бу тил ўзига хос. Ҳиндистон мактабларида асосан британча инглиз тилисида таълим берилиб, Британия 1947-йилда бу ўлкани тарк этгандан

---

<sup>8</sup> Burridge, Kate and Bernd Kortmann. Varieties of English: vol 3, The Pacific and Australasia. 2008.

<sup>9</sup> Mesthrie, Rajend. Varieties of English: vol4, Africa, South and Southeast. 2008.

бери Британча тил таъсири мавжуд. Британия инглиз тилисининг тарихий кўринишлари инглиз тилининг Ҳиндистон вариантларида хали ҳам сақланиб қолган.

Масалан: расмий хатларда, *please do the needful* ёрдамингизни аяманг, ёки *your obedient servant*- сизнинг беминнат хизматчингиз каби бирикмалар учрайди.<sup>10</sup>

Аммо, Ҳиндистон инглиз тилисини инглиз тили сўз бойлигига ҳиссаси ҳам катта. Айрим сўзлар хатто Оксфорд Инглиз тили луғатига ҳам киритилган.

Масалан: *bungalow, jungle, pyjamas, mango, jute*<sup>11</sup>

Ҳиндистоннинг расмий ҳукумат тили Британча инглиз тили сифатида қўлланилади. Британча инглиз тили гарчи расмий тил сифатида қўлланилса ҳам, аммо фақат Ҳиндистон инглиз тилисидагина мавжуд бўлган сўзлар ҳам мавжуд.

Масалан: *crore-ten million* -ўн миллион

*Scheduled tribe*- ҳукумат томонидан имтиёзлар бериладиган қолоқ қабила

Бирлашган Қироллик ҳудудидаги Инглиз тили вариантлари.

Бирлашган Қироллик асосан 2 турдаги инглиз тилига мансуб бўлиб, булар Ирландча ва Шотландча инглиз тилидир.

Шотландия инглиз тилиси. Шотландия ҳудудидаги аҳоли томонидан ишлатиладиган инглиз тили бўлиб, унинг асосий хусусияти унинг миллийлиги ва халқона термин, услубий жиҳатларга бойлигидадир.

---

<sup>10</sup> Hot English magazines, 127-version. Samples of variety of English.

<sup>11</sup> Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. –М.:1973. – 246с



Тарихийлик нуқтаи назаридан шотландия англиз тилиси уч асрлик даврий ривожланишни акс эттиради. Шотландия англиз тилисида қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг ишлатаётган англиз тилисидаги фарқлар ҳам сезилади. Шотландия англиз тилисига асосан уч унсур таъсир этган бўлиб, биринчидан, ирландия ва шотландия англиз тилиси ўртасида кучли фойдаланишга бўлган босим, иккинчидан, ушбу ҳудудларнинг юқори ва қуйи пасттекисликларда яшовчи аҳолининг тили ўртасидаги номутаносиблик, учинчидан, диний ҳар хилликлар, яъни католик ва протестантликни тилга бўлган таъсиридир.

Шотландия англиз тилиси билан Британча англиз тилисидаги алоҳида хусусиятларни таъкидлаб ўтиш лозим. Улар асосан лексик тил хусусиятларида фарқлидир.

Масалан: Британия англиз тилисида *minor* - 18 ёшдан кичик бўлган кишиларга нисбатан қўлланилса, шотландияда *pupils*- 12-14 ёшгача бўлган болаларга, ва фақат 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар учун *minor* термини ишлатилади. Шотландия англиз тилисига француз, норвегия, гел тилларининг ҳам таъсири жуда катта. Масалам: *sporrán-gel* тилидан шотланд тилига кириб келган сўз бўлиб, жундан тикилган маҳсус *осма сумка* ёки ҳалтача, эркаларнинг миллий либосларининг олдида осилиб туради ва шотланд миллий либосининг бир қисми сифатида қўланилади. Яна шундай сўзлар ҳам борки, шакли бир хил, аммо маъноси британча ва шотландча англиз тилида ҳар хилдир.

Масалан: *gate* сўзи британча англиз тилида дарвоза аммо, шотландча англиз тилида *road* -йўл маъносида ишлатилади. Айрим шотландча англиз тили сўзлари бутун минтақада ҳам кенг қўлланилади.<sup>12</sup>

Масалан: *dinnae-don't* маъносида,

*bairn* - child

---

<sup>12</sup> Vocabulary in Use ( upper-intermediate ) : Varieties of English

<i>wee-small</i> -кичкина маъносида,	<i>billy - chum</i>
<i>kirk-church</i> черков,	<i>bonny - handsome</i>
<i>lassie-girl</i> -қиз маъносида ишлатилади.	<i>glamour – charm</i> <sup>13</sup>

Ирландча инглиз тили. Ирландия инглиз тилиси асосан Ирландияда ишлатиладиган инглиз тилидир. Шунингдек бу инглиз тили *Anglo Irish* яъни инглизча ирландча деб ҳам аталади. Инглиз тилининг бу варианты энг қадимий инглиз тили деб ҳам тан олинган бўлиб, инглиз тилининг асл келиб чиқишига бориб тақалади. Ирландча инглиз тилининг сиёсий лингвистик фойдаланишига кўра Шимолий ва Жанубий қисмларга бўлинади. Ирландча инглиз тилининг асосий луғат таркиби қуйидаги хусусиятларга кўра асосланади:<sup>14</sup>

1) Британча инглиз тили каби бир хил қурилишга эга бўлган айрим сўзларнинг маънолари ҳар хил.

Масалан: *bold-naughty* -қулоқсиз, *backward-shy* -уятчанг.

2) Аҳолининг ёши катталари ишлатадиган айрим сўзларни(тарихийлик ва анъанавийлик жиҳатидан )мавжудлиги.

Масалан; *biddable-obidient* -бўйсунувчан

3) Фақат ирландия учун ҳос бўлган сўзларнинг мавжудлиги.

Масалан; *begorrah-by God* - Яратгандан

4) Шотландча инглиз тилидаги айрим сўзларни Ирландча инглиз тилида ҳам борлиги Масалан: *greet-cry, weep* -йиғламоқ

*brae-hill, steep slope* -қир, адир

---

<sup>13</sup> Беляева Т.М., Потапова И.А. Английский язык за пределами Англии. – М.: 1961. – 6-24с

<sup>14</sup> Hickey Raymond. A source book for Irish English. Amsterdam: 2002. -28p.


Булардан ташқари ирландча инглиз тилини ўзига хос грамматик, лексик ва фонетик хусусиятлари бор.

Масалан: *do be/does be* - кноструктурасининг ишлатилишига эътибор берсак;

- *They do be talking on the phone.* (They are talking on the phone) яъни улар телефон орқали гаплашишяпти)

Ёки *you* (-сен,сиз ) иккинчи шахс бирлик олмошини *e* тарзида, архаик сўз сифатида хали ҳам ирландча инглиз тилида мавжудлиги бу вариантнинг ҳам ўзига хос хусусиятини ифодалайди.

Ушбу чизма адабий инглиз тилининг вариантлари ҳақидаги умумий хулоса учун қисқа тушунтирилиш бўла олади.



## 1.2. Ҳозирги замон тилшунослигида адабий инглиз тилини ҳудудлараро фарқлари ва алоҳида хусусиятлари.

Адабий инглиз тилининг фарқлари ҳақида гапирилганда, аввало энг асосийси Британча ва Американча инглиз тили ҳақида сўз юритилади. Чунки инглиз тилининг асосий фарқли жиҳатлари ушбу икки тилда намоён бўлади. Аммо, дастлаб ҳудудий вариантларнинг лексик фарқлари ҳақида умумий маълумот бериб ўтиш зарур. Бугунги кунимизда Бритисизм, Американизм, Австралиянизм, Канаданизм каби ҳудудий хусусиятларга бўлинган шакллар ва атамаларни учратамиз. Инглиз тилидаги ҳудудий фарқларни тилшунос ва филологлар бир тушунча учун турли атамалар турли вариантларда турлича учраши билан изоҳлашади. Масалан: *government-administration* –бу икки сўзнинг синонимик жуфтлик сифатида бир маънонинг икки кўриниши сифатида қабул қилинган. Аммо, бири американча инглиз тилида, иккинчиси британча инглиз тилида кенг тарқалган сўз эканлигини унутмаслик керак. Бу каби жуфтликлар кўплаб топилади;<sup>15</sup>

Масалан: *post-mail -xam*

*Timetable-schedule - жадвал*

*Notice-bulletin -буллетен*

Ушбу жуфтликларда қўлланилаётган сўзларнинг биринчи Британча инглиз тилида энг кўп қўлланувчи, иккинчиси эса Американча инглиз тилида оммалашган. Шундай сўзлар ҳам борки Британча инглиз тилида мавжуд холос. Шунинг учун ҳам Американча инглиз тилида ўша вариант ишлатилади.

Масалан; *fortnight* -икки ҳафта      *Pillar-box* -тик турувчи почта қутиси

---

<sup>15</sup> Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. –М.:1973. – 243с

Лекин Американча инглиз тилида мавжуд бўлиб, британча инглиз тилида эса йўқ бўлган сўзлар ҳам бор.

Масалан; *mailboy*- хат ташувчи бола

*Campus*-лагер, ёки университет, ўқув муассасаси ҳудудидаги майдон  
Австралиянисм- бу вариантда ҳам шундай сўзлар борки, у қолган вариантларда мавжуд бўлмаганлиги учун ҳам Австралиянча вариантдаги каби ишлатилади.

Масалан:

*Outback* - чўллашган, гиёҳ ўсмайдиган , кимсасиз жой

*Backblocks* - орқа ҳудуд

Демак, инглиз тилининг турли ҳудудларда ривожланган ва қўлланилаётган вариантлар ўзаро бир бирини тўлдирар экан. Бу каби таҳлиллар учун инглиз тилининг икки асосий ҳудудий варианты британча инглиз тили ва американча инглиз тилини олган маъқул. Чунки бу икки вариант стандарт инглиз тилининг асл ўзаги ва манбаи ҳисобланади.

Американча ва Британча инглиз тили фарқларини замонларни ишлатилишида, сўзлар талаффузида, ёзилишида, предлогларни қўллашда, шартли белгиларда, тиниш белгиларини ишлатишда ва яна бир неча ҳолатларда кўриш мумкин. Ушбу фарқларни мисоллар ва таҳлиллар билан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ:<sup>16</sup>

а) сўзларни ишлатишдаги фарқлар.

Масалан; *athlete*- Американча инглиз тилида атлетикачи спортчи маъносида келса, Британча инглиз тилида дала машғулотларида катнашувчи киши сифатида ишлатилади.

---

<sup>16</sup> Антрушина Г.Б., Афанасьева О.В., Морозова Н.Н. Лексикология английского языка. –М.:1985. – 211с

б) сўзларни ёзилишидаги фарқлар:

Бунга жуда кўп мисоллар мавжуд бўлиб икки кўриниш ҳам тил ўрганувчилар томонидан бир хил ҳолатда ишлатилиши мумкин, аммо лингвистик нуқтаи назардан эса хато ҳисобланмайди.

Американча кўриниши	Британча кўриниши
Color –ранг	Colour
Fulfill –тўлдирмоқ	Fulfil
Center –марказ	Centre
Analyze -тахлил қилмоқ	Analyse
Aging –ёшартирмоқ	Ageing
Dialog –диалог	Dialogue
anesthesia,-анистезия	Anaesthesia

БЕ ва АЕ нинг лексик фарқлари ҳақида гапирилганда қуйидагилар жуда муҳим <sup>17</sup>

1) Икки вариантнинг бирида бўлиб, иккинчисида мавжуд бўлмаган сўзлар ҳам бор. Масалан: *drive-in* - АЕ да машина билан кириш мумкин бўлган ресторан ёки кинохона .Ушбу сўзнинг БЕ да муносиб эквиваленти бор эмас.

2) Турли сўзлар бир маъно учун ишлатилиши ҳам мумкин.

---

<sup>17</sup> Vocabulary in Use ( upper – intermediate) British/American English

Масалан; *sweet*(BrE)-*Candy*(AE)- ширинлик, конфет

*flat—apartmen* -квартира

*lorry-truck* (юк машинаси)

*tin-opener-can opener* (очқич) ва ҳоказо..

3) Икки вариантда ҳам ишлатилиб, аммо бир вариантда кўпроқ ишлатиладиган сўзлар;

Масалан: *post-mail* -икки вариант учун ҳам тушунарли, аммо, AE учун кўпроқ *mail* хос

4) Бир хил аммо турлича семантик тузилишга эга бўлган сўзлар

Масалан: *homely*- BrE да уйини яхши кўрадиган, оилапарвар киши тушунилса, AE да кўриниши хунук киши учун ишлатилади

5) Қисқартмаларда ҳам фарқлар анчагина. Булар кўпроқ AE да учратилиб, қолган вариантларда ҳам ишлатилиши мумкин.

Масалан<sup>18</sup>: *dorm-dormitory* –ётоқхона *mo – moment*

*Cert-certainly* –албатта *b.f. – boy - friend*

б)Кўшимчалардаги фарқлар:

--*our* (British) ва *-or* (American). Масалан:.. *colour - color*

*-re* (British) ва *-er* (American). Масалан:.. *centre - center*

○ *-ce* (British) ва *-se* (American). Масалан:.. *defence -defense*

Грек тилидан кирган кўшимчалар:

○ *-ise* (British) ва *-ize* (American). Масалан; *centralise – centralize*

○ *-yse* (British) ва *-yze* (American).Масалан: *analyse - analyze*

---

<sup>18</sup> Антрушина Г.Б., Афанасьева О.В., Морозова Н.Н. Лексикология английского языка. –М.:1985. – 204с

- -ogue (British) ва -og (American). Масалан: dialogue - dialog
- Simplification of ae ва oe in American English. Масалан: gynaecology - gynecology

#### 7) Феълларни ишлатишдаги фарқлар:

Масалан- ўтган замон учун *learn* –ўрганмоқ феълини BrE да *learned*-AE да эса *learnt* шаклида, ёки *dreamed-dreamt* -туш кўрмоқ/орзу қилмоқ каби мисолларда ҳам учратиш мумкин.

#### 8) Предлогларни ишлатишдаги фарқлар:

Масалан: *in a team* - командада BrE учун хос бўлса, *on a team* AE учун хосдир, ёки *at the weekend*(BrE)-*on the weekand* (AE)

#### 9) Имло қоидалари учун ҳам фарқли мисоллар келтириш мумкин.

Масалан: : BrE да Mr, Johnson вергул билан ишлатилса, AE да эса вергулсиз ишатилади;

Масалан; Mr Johnson. ( Американча вариант)

#### 10) Вақтни айтиш:

Вақт айтишда ҳам BrE ва AE ўртасида фарқлар мавжуд. BrE- *quarter past ten* дейилса,AE да *Quarter after ten* дейилади. Хатто AE да соат 6.00 ёзилса, BrE да 6:00 ёзиш одатдир.



### 1.3. Адабий англиз тилининг ҳудудий вариантлари тарихи ва ўзаро боғлиқликлари.

Адабий англиз тилининг вариантлари тарихи ҳақида муҳокама қилишдан олдин англиз тилининг ўзини тил тарихига эътибор қаратиш зарур. Маълумки, англиз тили Ҳинд-Европа тиллар оиласининг Ғарбий Герман тиллар гуруҳига мансуб бўлиб, унинг тарихи асосан 3 даврга бўлиб ўрганилади. Булар Қадимий англиз тили( 450-1100 АД), Ўрта асрлар англиз тилиси( 1100-1500 йиллар оралиғи) ва Замонавий англиз тили (1500 йилдан бошланиб ҳозиргача бўлган). Асрлар давомида англиз тилини тил ривожига бошқа тилларнинг таъсири жуда юқори бўлган.

#### *Қадимий англиз тили*

V асрда Герман қабилалари( Англо сакслар) Британия оролларига шимолий ғарбий Германиянинг турли қисмларидан келиб жойлашдилар. Бу қабилалар жанговор қабилалардан бўлиб, кейинчалик маълум гуруҳи Франсиянинг *Brittany coast* оролларига кўчиб кетганлар, ва уларнинг авлодлари ҳалиям келт тилида сўзлашадилар. Йиллар давомида сакслар, англо қабилалари турли диалектлари ва шевага хос сўзларини аралаштириб ишлатдилар ва уларнинг мавжуд бўлган тили ҳозирда қадимий англиз тили деб номланувчи тилга айланди. Энглиш (инглиз)сўзи аслида *Englisc* –яъни Anglo сўзидан келиб чиққан бўлиб бу ном уларнинг яшаш жойлари номи билан изоҳланади.

Ҳозирда биз билган англиз тили дастлаб Лотин ва Келт тилининг аралашмаси бўлиб, Римликлар Британияга жуда кўп янги сўзларни олиб кирган. Сўзлар асосан ҳарбий солдатлар, хизматчилар орқали кириб келган.<sup>19</sup>

Масалан: *win (wine), candel (candle), belt (belt), weall (wall)*.

---

<sup>19</sup> "Language Timeline", The British Library Board

лекин жой, дарё номларининг асосийлари қадимий Келт тилидан олинган.

Масалан: *Kent, York, Dover, Cumberland, Thames, Avon, Trent, Severn*

Христианлик орқали янада кўпроқ диний сўзлар ҳам кириб кела бошлаган.

Масалан; *church, bishop, baptism, monk, eucharist and presbyter*

Бу сўзлар лотин тилига қадимги грек тилидан кириб келган.

Нормандлар истилоси билан ( Викингллар деб ҳам аталади) эса кўплаб норвекча сўзлар кириб келган, булар асосан Англиянинг шимолий қисмида намоён бўлади.<sup>20</sup>

Масалан:*sky, egg, cake, skin, leg, window (windeye), husband, fellow, skill, anger, flat, odd, ugly, get, give, take, raise, call, die,they, their, them.*

Қадимий инглиз тилининг турли ёзма манбалари мавжуд бўлиб, булардан энг машҳури “*BEOWOLF*” дир. Бу энг қадимий инглизча эпик қаҳрамонлик шеър бўлиб, уни ёзган кишининг исми маълум эмас. Аммо тилшунослар фирича бу асар бундан 1000 йиллар аввал ёзилган.

*Ўрта Асрлар инглиз тилиси:*

Ушбу даврни Англияда французлар истилоси даври деб ҳам юритилиб, истислочилар ўзи билан бирга французча сўзлашувчи ҳокимларни олиб кирди ва француз тили давлат аҳамиятидаги асосий, расмий тил сифатида ишлатилди. Инглиз тили эса аҳолининг паст табақаси, оддий халқ ишлатадиган тилга айланди. 300 йил давомида инглиз тили жуда ўзгарди, чунки у оддий халқ томонидан фақат оғзаки нутқда фойдаланилиб, ёзма инглиз тили деярли ишлатилмаган эди. Шунинг учун ҳам эски инглиз тили

---

<sup>20</sup> "The Origin and History of the English Language", Kryss Katsiavriades

қўлланила бошланди. Уни устига турли французча сўзлар кириб келиб, бу тилни бойитди.<sup>21</sup>

Масалан:

*Crown, castle, court, parliament, army, mansion, gown, beauty, banquet,*

*Art, poet, romance, duke, servant, peasant, traitor* ва *governor*.

чорвачилик, деҳқончилик билан оддий аҳоли шуғулланганлиги учун хайвон номлари инглизча (*cow, sheep, swine, deer*) аммо ошпазлар ўз вакилларида бўлганлиги учун гўшт номлари французча ном билан аталган, масалан: (*beef, veal, mutton, pork, bacon, venison*).<sup>22</sup>

Ўрта асрлар инглиз тилиси учун энг мақбул мисол бу Чаусернинг“*"The Canterbury Tales"*, Кантербуй эртаклари бўлиб, бу эртаklar асосан 30 кишидан иборат бўлган зиёратчилар гуруҳини Англияга сафари ҳақидадир. Асар орқали XIV аср ҳаёти ҳақида жуда кўп маълумотларни олса бўлади.<sup>23</sup>

*Замонавий Инглиз тили* ( 1500 йилдан ҳозирги давргача бўлган инглиз тили).

Замонавий инглиз тилининг пайдо бўлиши ва ривожланиши 1476-йилда Уиллиам Какстон томонидан биринчи бўлиб Уестминстер черковига нашр қилувчи усқунани ўрнатганлиги билан боғланади. Аслида, 1450-йилда Жонан Гутенберг нашр қилувчи усқунани яратган бўлиб, у Германиялик эди. Аммо Какстон биринчи бўлиб нашриётни Англияда ташкил қилди. Библия ва шунга ўхшаш қимматли асарлар шу ерда чоп қилинди. Чоп қилиш усқунасини яратилиши бир турдаги китобларни кўпчиликка етиб боришини таъминлади. Натижада китоблар арзонроқ бўла

---

<sup>21</sup> "Language Timeline", The British Library Board

<sup>22</sup> "The Origin and History of the English Language", Kryss Katsiavriades

<sup>23</sup> Расторгуева Т.А. История английского языка. – М.: 1983. – 341с

бошлади, табиийки ҳамма ўқиб ўрганишга қизиқиб кетди. Нашриётни ташкил топиши инглиз тилида стандартлик тушунчасини пайдо қилди.

Машхур инглиз ёзувчиси Виллям Шекспир (1592-1616) замонавий инглиз тилида наъмуналар ёзган дастлабки ижодкордир. Замонавий инглиз тилининг ҳам ўз навбатида 3 қисмга: Ренессанс даври инглиз тилиси, Инқилобий даври инглиз тилиси ва Британия колониялари даври инглиз тилисига бўлинди. Ренессанс даври энг кўп грек ва латин тили сўзларини инглиз илига кириб келиши билан изоҳланса, айрим адабиётлар бу давр Шекспир даври адабиёти ёки Элизабетта эраси даври деб юритилади. XVIII асрларда эса Инқилобий инглиз тили даври луғат бойлигида янги сўзларни пайдо қила бошлади, булар бевосита янги кашф қилинаётган техника воситалари билан боғлиқ эди.

Масалан: (*trains, engine, pulleys, combustion, electricity, telephone, telegraph, camera*) ва бошқалар.<sup>24</sup>

Британия Империя сифатида XVIII асрдан XX асргача бутун дунё бўйлаб кенг ёйилди ва ўз навбатида ҳозирги АҚШ, Австралия, Янги Зеландия, Ҳиндистон, ва Осиё, Африка ҳудудларигача етиб борди. Империя халқлари шу ҳудудларда кенг томир ёзиб, жойлаша бошлади. Натижада яна янги ўша ҳудудлар билан боғлиқ бўлган сўзлар кириб инглиз тилини яна бойитди. Аммо инглиз тилининг грамматикасини асосини Англо сакслар шакллантирган бўлса, тил грамматикаси герман тиллари каби қолаверди (*he, she, it*).

Ҳозирда жами 5 қитъада сўзлашилувчи инглиз тилининг ҳаётийлик давомийлиги 4 асрдан ошади. Колонияларнинг таъсири ҳақида бир неча тарихий мисоллар ва фактлар келтириб ўтилди. Тил ривожини билан унинг Грамматик, лексик, фонетик ўзгаришларга учраганлиги ҳам айтиб ўтилди

---

<sup>24</sup> Иванова И.П., Чахоян Л.П. История английского языка. – М. 1976

аммо бу ривожланишлар бу тилдаги мураккаб Грамматик тил қоидаларини чеклаб, янги фойдаланувчилар ўзларига осонроқ шаклда тилни ўзлаштирганликлари инглиз тилини турли жиҳатларининг ўзгаришида намоён бўлади. Ҳозирги кунда тилнинг 4 асосий гуруҳга ҳам бўлиб ўрганилади. Бу гуруҳлар тилнинг географик минтақалараро ўзгариши ва турланиши билан боғлиқдир. Ҳатто XII-XIX асрлар оралиғи инглиз тилининг тарқалиш периоди деб аталиб қиролича Викториа номи билан ҳам инглиз тилининг тил сифатидаги ҳолати боғлиқдир. Ҳатто халқ орасида *қуёш Британия империясига нур сочишдан ҳеч қачон тўхтамайди* дея бу имперая давомийлиги абадий деб ишонишган. Географик нуқтаи назардан, ҳозирги замонавий дунёмизда 4 асосий қисмга ажратилади. Булар;

Британия ороллари	Америка
Англя	АҚШ
Уелс	Канада
Ирландия	Кариб ороллари
Африка	Осиё ва тинч океани худудлари
Ғарбий Африка	Жанубий ва Жанубий Ғарбий Осиё
Шарқий Африка	Австралия ва Янги Зеландия
Жанубий Африка	Тинч океани ороллари

Ушбу жадвалдаги 4 гуруҳнинг энг асосийси Британия ва Америка инглиз тилиси бўлиб, бошқа вариантларнинг асосига хизмат қилган десак муболаға бўлмайди ва бу худудлар ичида энг илғори ҳисобланади.

Британияда ишлатилувчи инглиз тилида бутун дунё учун мақбул ва осон бўлган қабул қилинган талаффуз қоидалари бор бўлиб, бу қоидалар таснифида машхур лингвист Даниел Жонеснинг хизматлари каттадир. У айтади: “*Қайси жамият инглиз тилини ўз жамияти учун қабул қилар экан, стандарт таллафуз қоидаларини қабул қилишига мажбур*”<sup>25</sup> шунингдек BBC инглиз тилиси, Охфорд инглиз тилиси, Қиролича инглиз тилиси каби терминлар лингвистлар орасида кенг тарқалган бўлиб, улар бу инглиз тилиларни номақбул деб ҳисоблаганлар ва стандарт инглиз тили учун ягона тил шакли ва қонун қоидалари керак деб ҳисоблаганлар. Ва бу фикр ҳозир ҳам ўз кучида.

Америка инглиз тилисида энг кенг тарқалгани Умумий инглиз тили ва Халқона инглиз тили яъни муомала инглиз тилиси бор. Американинг жанубий ғарбий қисмларида қадимдаги Кариб денгиз ҳудудларидаги кулчилик таъсирида бу ҳудуднинг инглиз тилиси марказий ва шимолий Америка тил хусусиятларидан фарқ қилади.<sup>26</sup>

Инглиз тилининг Америка ерларига кириб келишининг асосий сабаби колониялар туфайли бўлиб, бу XVII аср бошларига тақалади. Нафақат Америка балки бутун дунёга бу тилнинг тарқалиши Буюк Британия империясини ўша даврлардаги кучи ва ривожланиши туфайлидир. Британия колониялари XVI асрлардан бошланган бўлиб XVIII ва XX асрга қадар давом этди. Тарихдан маълумки, XVI аср сўнгида инглиз тилида 5-6 миллион киши сўзлашар, уларнинг деярли барчаси Британия ороллари аҳолисини ташкил қилар эди. Британия дунёнинг деярли бир чорак қисмига эгалик қилар ва унинг ҳудуди Канададан Австралиягача,

---

<sup>25</sup> Crystal David. The Cambridge Encyclopedia of the English language. Cambridge University Press, 2003

<sup>26</sup> Trask. Dictionary of English Grammar. Penguin, 2000

Ҳиндистондан Кариб денгизи қирғоқларигача, Миср, Шимолий Африкадан тортиб Сингапурача бориб тақаларди.

Гарчи англиз тили дастлаб Шекспир даврига келиб ўз худуди Уелс, Ирландия, Шотландияда кенг тарқалган бўлсада, 200 йилдан сўнг 1780 йилда Жон Адамс ишонч билан англиз тили Лотин ва эски Француз тилидан кейинги бутун дунёга машҳур тил сифатида танилишини таъкидлаган эди. 1852 йилда немис тилшуноси Экоб Гримм англиз тилини “*дунё тили*” деб бутун дунёга жар солди. Ўша даврларда тилни колониялар таъсирида кенг тарқалиши маданият, санъат ва савдо муносабатларини ҳам кенг ёйилишига асос бўлган эди. Бу асосан Африка ва Осиё давлатларида сезилди. Лекин нафақат англиз тилини бутун дунёга ижобий таъсири балки бошқа тил ва миллатларнинг ҳам бу тилга таъсири, айниқса тил луғат бойлигини кенгайтишига сабаб бўлди.<sup>27</sup> Масалан, англиз тилига Ҳиндчадан *bungalow-shampoo, candy, pyjamas*, Австралия қитъасидан эса *kangaroo, boomerang, budgerigar* каби сўзлар англиз тилига кириб келди ва янги термин сифатида бу тилни бойитди. Натижада Янги Инглиз тили атамаси кенг оммалашиб, турли қитъалардаги янгича англиз тилининг вариантлари қўлланила бошланди. Аммо шуни ҳам таъкидлаш керакки, англиз тилидаги айрим сўзларни йўқолиб истеъмолдан чиқиб бориб, бошқа қитъаларда сақланиб қолганлигини кузатиш мумкин. Бу бир томондан яхши, иккинчи томондан ёмон ҳам эди.

Масалан<sup>28</sup>: Шаусер *тахмин қилмоқ* - guess сўзини *think*- ўйламоқ маъносида ишлатган эканлигини учратиш мумкин. Шундай мисоллардан бир нечта кўриш мумкин. Масалан ҳозирда ҳам *fall* ўрнига *autumn* - куз фасли маъносида, *homely- ugly* -хунук, кўримсиз маъносида, *to loan-to lend*- карз бермоқ маъносида ишлатилишини учратиш мумкин. Тарихийлик

---

<sup>27</sup> Mugglestone, Lynda. The Oxford History of English. Oxford University Press. 2006

<sup>28</sup> Антрушина Г.Б., Афанасьева О.В., Морозова Н.Н. Лексикология английского языка. –М.:1985

таъсири ушбу мисолларда яққол намоён бўлади. Бундай мисоллардан бир нечта келтириш мумкин. Мисол учун: *corn* -дон-дун маъносида ҳозирги инглиз тилида жуда кенг қўлланилади. Аммо тарихдачи? Дастлаб дуккакли ўсимликлар учун *grain* атамаси ишлатилган бўлиб, у сўз билан ҳамма дуккаклилар тушунилган, бугунгу кунда эса *corn- grain* сўзини ўрнига ишлатилади ва 100 фоиз шу сўз маъносини беради.

I боб бўйича хулоса.

Биринчи боб бўйича хулоса ўрнида шуни айтиб ўтмоқчимиз. Юқорида келтирилган тадқиқотчиларнинг адабий инглиз тилининг ҳудудий вариантлари тарихи, фарқлари ва алоҳида хусусиятлари бўйича ёндашувларини умумлаштириб, шу соҳага оид тадқиқотларга таянган ҳолда, инглиз тилининг ҳудудий вариантлари инглиз тилида гаплашувчи минтақаларда ўзига хос ва мос хусусиятларга эга эканлигини кўришимиз мумкин.

Замонавий ривожланишлар халқаро алоқалар, бизнес, маданий алмашинувлар ҳам бу тилнинг таъсирига жуда катта хисса қўшган. Британия луғатларида американча терминлар учрай бошлади, вақтлар ўтиши билан бу ҳолат одатий тил истеъмолини келтириб чиқарди. Турли америка филмларини кўрганимизда британча таъсирни, ёки Англия филмларида американча инглиз тилисини уфуриб туришини сезамиз. Британча сўзларни Америкада ўзининг фойдаланувчиларига мосланган ҳолатда ишлатилиши бу тилни вариант ҳолига келишига ҳам сабаб бўлди. Масалан<sup>29</sup>, Британияда *luggage* деб ишлатилувчи атама-яъни юк маъносида Америкага *baggage* бўлиб кириб келди. Маъно эса бир хил. Ёки британча *smog* Америка инглиз тилисига туманни англлатувчи *fog* маъносида кириб келди.

---

<sup>29</sup> Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. –М.:1973



## II БОБ. Ҳозирги замон инглиз тили адабий вариантлари тахлили ва изоҳлари.

### 2.1. Британча ва американча инглиз тили вариантларини оммавийлиги ва солиштирма изоҳлари

Юқори бобда айтиб ўтилган жамики инглиз тилининг турлари ва вариантлари бўйича изоҳлар шуни кўрсатадики, инглиз тили бир неча асрлардан бери ўзгаришлар асосида бизгача етиб келган. Ушбу диссертация мавзусини ёритиш учун ўзбек тилида кўп манбаларнинг мавжуд эмаслиги, асосий манбалар хорижий бир нечта тилларда бўлганлиги сабабли, электрон журналлар, мақолалар солиштирма изоҳларда кенг қўлланилди.

Инглиз тилининг асосий вариантларидан бўлган Австралия инглиз тилиси, Ҳиндистон инглиз тилиси, Африка давлатлари инглиз тилиси, ҳамда шотландча инглиз тилилар ҳам ўзига хос жиҳатлари билан асосий Британча ва Американча инглиз тилидан фарқланади ва бу тилни бойитишдаги асосий кўмакчи ҳисобланадилар. Ҳар бир ҳудуд инглиз тилиси ўзининг алоҳида хусусиятларига кўра ривожланган. Айниқса булар вариантларнинг луғат бойлиги ва талаффуз қоидаларида намоён бўлади.

Австралия инглиз тилисининг асосий фарқли жиҳати унинг луғат бойлигида кўча сўзлари яъни норасмий тарзда қўлланилувчи сўзлар борлигидадир. Сўзларининг охири асосан *o* ёки *ie* товуш бирикмалари билан тугалланувчи сўзлар бир талай.<sup>30</sup>

Масалан: *smoko-* ( *smoking* сўзидан) *tea or coffee break* ( егулик танаффуси), *milko* *milk* сўзини шакллантирганлиги, ёки *beaut* ( *beautiful* - чиройли) сўзининг қисқартмаси бўлиб, Австралия инглиз тилисида *great* - буюк маъносида ишлатилиши фикримизнинг яққол далилидир. Австралия

---

<sup>30</sup> Moore, B. Speaking our language : the story of Australian English, Oxford University Press, Melbourne, 2008. p. 69

инглиз тилисидаги шу каби сўзлар борлиги бутун дунё телевидения ва кино саноатида сезилиб туради.

Кейинги инглиз тилининг вариантларидан бири Ҳиндистон инглиз тилисининг ўзига хос хусусиятлари ҳам бор бўлиб, у бошқа вариантлардан ўзининг ўта қадимий, классик қирралари ва ҳатто замонавий тилдан анча йироқ бўлган архаик сўзларнинг ишлатилиши билан ажралиб туради. Ҳатто айрим тилшунослар Ҳиндистон инглиз тилисини тушунишга қийин чунки унда инглиз тилидаги энг қадимий сўзлар ҳам топилади деб изоҳ беришган эди.

Масалан, мана бу гапга эътибор қаратсак: *The bereaved are condoled and the Prime minister is felicitated on his or her birthday.*<sup>31</sup> Бу 3 сўз ҳам замонавий инглиз тилидан кўра классик тил нормаларига тўғри келиб, газета ва журналдан олинган мисолдир. Бу худди қадимги инглиз тилида ёзилган асар тилига ўхшайди. *Bereaved*-мазлум, зулм кўрган шахс, *condole*-эса ҳамдардлик билдирмоқ, *felicitate* –табрикламоқ ёки нишонламоқ. Ушбу сўзлар ўрнида замонавий инглиз тилида соддароқ шакллар ишлатилади.

Ёки;

Indian might complain of a bosom-bosom -бу сўз ички оғриқ, дард алам, ичдаги сир маъносида ишлатилишини фақат эски луғатлардан топа оламиз.

Шодландия инглиз тилисида ўзгаришлар ва фарқли жиҳатлар бисёр. Мана бу рўйхатда айрим мисоллар акс этган.<sup>32</sup>

<b>aye:</b> yes	<b>loch:</b> lake	<b>dreich:</b> dull
<b>ben:</b> mountain	<b>to mind:</b> to remember	<b>janitor:</b> caretaker
<b>brae:</b> bank (of river)	<b>bairn:</b> child	<b>lassie:</b> girl
<b>dram:</b> drink (usually whisky)	<b>bonny:</b> beautiful	<b>outwith:</b> outside
<b>glen:</b> valley	<b>burn:</b> stream	<b>wee:</b> small
<b>kirk:</b> church	<b>stay:</b> live	<b>ken:</b> know

---

<sup>31</sup> Hot English magazine. Language learning part.

<sup>32</sup> English Vocabulary in Use (upper – intermediate). Varieties of English.

*Yes* - ўрнида *aye* - оҳанг билан жуда кўп ишлатилади, *lassie-girl* яъни қиз дегани, *bonny* - чиройли- *beautiful* сўзи ўрнида ишлатилса, *stay-live* яшамоқ маъносида ишлатилади. Бу каби мисоллар жуда кўп бўлиб, уларни асосан кино, кўшиқлар лирикасида, оммавий ахборот мақолаларида, реклама роликларида учратамиз. *Dram- drink* сўзини шотландча варианты бўлиб, ичмоқ маъносида ишлатилади. Лекин агар бу сўз контекста келмаса тушуниш қийин, бу ҳолатда тилни тушунишда муаммоларни юзага келтиради.

*BlackEnglish* - яъни Жанубий Африка инглиз тилиси ҳақида сўз кетар экан бу тилни Кариб денгизи ороллاردан келиб чиққанлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ороллар хилма хил бўлганлиги туфайли тилдаги хилма хилликлар ҳам ўзига яраша. Тилнинг бу вариантыда ишлатилувчи сўзлар Бирлашган Қироллик ва Америка учун ҳам жуда яқин ва таниш. Бунга асосий сабаб туризм яъни сайёҳлик туфайлидир. Масалан:<sup>33</sup> *chick – girl* - Британча ва Американча инглиз тилида ҳам тушунарли, лекин унинг асли пайдо бўлиши Африка инглиз тилисига бориб тақалади. *Rap* - бугунги кунимизда урф бўлган хорижий мусиқий монолог тури- реп; шу сўздан келиб чиққан, маъноси кўча сўзи, яъни *street talk*. *Dig- understand* тушунмоқ маъносида ишлатилади, *pad* эса- бед яъни ётоқ - кроват маъносини беради, *dreadlocks* - бу сўз ҳам инглиз тили учун худудий нуқтаи назардан олинганда янги бўлиб, африканча соч турмаги бўлиб, *Rastafarian* дейилади. Демак тил вариантлар сўзлар таркибида худудий хослик ва урф одатлар, минтақавий қарашлар ҳам сезилади.

Қуйидагилар ҳам Жанубий Африка тил вариантыга мисол бўла олади.

*Jam* – improve      *Beat* – exhasusted      *Square* - dull

---

<sup>33</sup> Mesthrie, Rajend. *Varieties of English: vol4, Africa, South and Southeast*. 2008.

Бу мисоллар янада тушунишга ёрдам беради:<sup>34</sup>

- *dorp* – кичик чекка қишлоқ
- *book of life* -энциклопедия(миллий)
- *township* -қора танлилар яшовчи шаҳар

Юқорида умумий ҳолатда бир неча мисоллар айтиб ўтилди, аммо инглиз тилининг стандарт ҳолатдаги кўриниши асосан 2 вариантда Американча ва Британча инглиз тилида эканлигини унутмаслик лозим. Бугунги кунимизда таълим, иқтисодиёт, фан, техника инглиз тилининг стандарт кўриниши асосида олиб борилиб, бунинг асосий сабаби тилнинг тушунарли ва бир қолипда эканлигидадир.

---

<sup>34</sup> Crystal, David. "The Cambridge encyclopedia of the English language". Cambridge University Press, 2003

## 2.2. Инглиз тили адабий вариантларини мисоллар ва ишлатиш ўринлари бўйича таҳлили

Энг сўнгги изланишлар шуни кўрсатадики, Британия ороллари ташқарисидаги ва Америка ҳудудидаги инглиз тилининг оғзаки кўриниши худудийликдан ташқари хусусиятларни ҳам намоён қилади. Масалан сўнгги пайтларда *Englishes*-яни инглизлар терминини стандарт инглиз тилига кириб келишини кузатиш мумкин. Аслида умумий қоидалар бўйича миллат номи кўплик шаклда ишлатилиши лингвистик нуқтаи назардан ғализлик туғдиради. Аммо, ушбу термин тилга бемалол кириб келди ва ишлатилаяпти. Лингвистлар ҳам уни қабул қилишди ва мақуллашди. Дунёда инглиз тилининг тил муҳокамаларига бағишланган “*English World Wide*” номли журнал бор бўлиб, ушбу журналда айтилишича бундай ҳолатлар глобал контекстларнинг талаби доирасида келиб чиқаётганлиги ва омма уни худди шу шаклда қабул қилаётганлиги, бундай янги сўзлардан фойдаланилмасин деган қоида мавжуд эмаслигини таъкидлайди.<sup>35</sup>

Бу каби мисолларни бир неча ҳолатларда учратиш мумкин.

Инглиз тилининг ривожланиши юқорида айтиб ўтилганидек, турли хусусиятларда кўриш мумкин. Инглиз тилининг вариантларини ҳам Европа ва денгиз орти мамлакатларидаги вариантларидан фарқлари мавжуд. Ушбу фарқларни талаффуз ва морфологик хусусиятлардан тортиб, лингвистик хусусиятларгача учратиш мумкин. Аввалдан мавжуд бўлган архаик сўзларнинг Британия оролларида ишлатилмаса ҳам асарларда учраши ва кимлардир томонидан ( маҳаллий тил эгалари эмас)уларнинг тилга истеъмол учун олиб кирилиши ҳам бу тилнинг хилма -хил шаклда бойишидан далолат беради.

Масалан; *bold- misbehaved* - яъни *беодоб* сўзи ўзини тутишни билмайдиган, ахлоқ одоб нормаларига риоя қилмайдиган аёл кишини

---

<sup>35</sup> Wright, Laura. 2000. “ The development of Standard English, 1300-1800: Theories, descriptions, conflicts”. Cambridge University Press.

таъсирлаш учун қадимда *wench* тарзида ишлатилган. Ва ҳозирда ҳам бу сўз ахлоқсиз тарзида стандарт инглиз тилига кириб келган.

Флора ва фаунанинг минтақалараро хилма хиллиги ҳам тарихийлик нуқтаи назаридан инглиз тилининг вариантларини бойитган. Кўчманчилар томонидан ўзлари билмаган ҳолда олиб келинган *koala, kangaroo, kiwi* каби мисоллар фикримиз далили бўла олади.

### ***Ностандарт инглиз тилининг тарихийлик жиҳатдан хусусиятлари.***

Инглиз тилининг ривожланиш тарихи шуни кўрсатадики, тилнинг лингвистик даражалари унинг бир неча хусусиятларига кўра фарқланади. Булар диалектлар яъни шевага хос сўзлар ва *sociolects* - жамият учун зарурий сўзлар бўлиб, ностандартликнинг келиб чиқиш ва ҳар хиллигида яққол сезилади.

#### 1. Фонетик ва Фонологик хусусиятларига кўра айрим жиҳатлар:

1) сўздаги энг сўнгги товушнинг айтилишда мавжудлиги:

масалан: /r/ *card* /kɑ:ɹd/

2) ҳарфни туширилган, ёки билинар-билинемас ҳолда талаффуз қилиниши:

/h-/ *happy* /æpi/

3) товуш аппаратидаги ҳолатлар:

/t/ *bottle* /bɒtəl/

4) No lowering of /ʊ/ товушининг пасаймаслиги:

*but* /bʊt/

5) қисқа /a/ before /f, s, / дан олдин келса:

θ/ *bath* /bɑθ/

6) /w/ нинг ишлатилиши

*which* /wɪtʃ/

7) танглай товушининг ишлатилиши:

/ŋ/ *walking* /wɔ:kŋ/

8) тушуриб қолдирмай талаффуз қилиш ҳолатлари:

/ju:/ *news* /nu:z/ *tune* /tu:n/

9) лексик бўлмаган фарқлар:

/æ/ and /ɑ:/ *grand* /grand/, *cancel* /ka(:)ns!/

10) /r/ *fern* /fɛɹn/ # *burn* /bɹɹn/ дан олдин қисқа унлилар ҳолати

11) чўзиб айтилиши керак бўлган товушлар:

/u:/: *town* /tu:n/

2. Морфологик жиҳатлари:

1) Ишлатилишидаги фарқлар

a. *am* + *not* ёки *amn't/ aren't*

i. *Is* + *not* *isn't* ёки *ain't*

2) егалик олмоши *my* сўзидаги /i:/ нинг /ai/ тарзида ишлатилиши

3) егалик олмошлари ўрнида тўлдирувчи олмошларининг ишлатилиши

*them boys*

4) 2 шахс бирлик *you* ва кўплик *you* нинг бир хилда ишлатилиши яъни сен ва сиз, ҳамда сизлар ўрнида

5) *Us* тўлдирувчи олмошини *we* учун, *her* ни эса *she* учун ишлатилиши:

6) Айрим равишлар охиридаги *ly* қўшимчасининг ишлатилмаслик ҳолатлари:

*He's awful busy these days*

7) Кучли ва кучсиз феълларнинг ўртасидаги фарқлар

8) Кўплик рақамдан сўнг келувчи сўзнинг бирликда ишлатилиши:

*He's been here five year now*

3. Синтактик жиҳатлар:

- 1) Past participle яъни тугаллан замон ҳолати феълнинг 3 шаклини ёрдамчи феълсиз ишлатиш:

*I done the work, I seen him*

- 2) Кўплик шаклида феълга - es ёки - s , 3- шахс бирлик кўшимчасини кўшиш:

*The boys plays football.*

- 3) Биринчи шахс бирлик учун Феълга –es ёки –s кўшимчасини кўшиш:

*I hops out of the car and finds him lying on the ground*

- 4) Кўшимча маъно юклаш учун:

*He does love her - маъно кучайтирилган ҳолат*

- 5) феълнинг 3 шакли ва ёрдамчи феъл орасига 2 -даражали

бўлакларнинг жойлашиши ва маънонинг ўзгариши:

*He has the book read*

- 6) бир гапда кки инкорнинг ишлатилиши:

*They don't do nothing for nobody*

- 7) *for* ва *to* нинг бир жойда ишлатилиши:

*He went out for to get some milk*

- 8) ёрдамчи феълнинг тушиб қолиш ҳолатлари:

*She a farmer's daughter, He gone home*

- 9) Боғловчисиз боғланган эргаш гапларнинг ишлатилиши:

*There's a man wants to see you*

- 10) *Never* нинг past tense яъни ўтган замон феъл шаклида келиши:

*I never done the work (= I didn't do...)*

- 11) Инкор гапнинг ишлатилишидаги маъно фарқи:



*Anyone wasn't interested in linguistics*

12) *get* билан мажхул нисбатнинг келиши

*His car got stolen last week*

13) Боғлиқлик асосида предлогларни ишлатиш;

*They broke the glass on me*

14) Аниқ артиклини кераксиз ўринда ишлатиш;

*He asked the both of them*

Бу икки вариантни солиштириш учун асосий мисолларни тил ўргатиш жараёнларидан олиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Чунки, тил ўрганувчи тилдан фойдаланаётганда иккиланмаслиги, хилма хилликлардан чалғимаслиги керак.

Дастлаб Американча ва Британча инглиз тилининг оммавийлиги ҳақида тўхталиш зарур. Ҳозирги кунимизда бадиий адабиётлар, журналлар, газеталар, илмий мақолаларнинг асосий кўриниши Британча инглиз тилига асосланади. Чунки тилнинг асосий отаси яъни ўзаги Британия - Британча инглиз тилидир. Аммо, замон ривожини туфайли оммавий ахборот воситалари, кино филмлар, реклама роликлари, афишаларда Американча инглиз тилини кўпроқ фойдаланилаётганини сезамиз. Бунинг асосий сабаби нимада? Албатта тил фойдаланувчиларнинг тилдан фойдаланишдаги яратаётган енгилликлари ва тилни ишлатишда уларни соддалаштиришларидир. Аммо, янги атамаларнинг бошқа тиллардан кириб келишини ҳам бунга сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Аммо, бу унсур фақат инглиз тилининг луғат бойлигига ижобий таъсир кўрсатса кўрсатадики, аммо салбий таъсир кўрсатмайди.

Телевидения орқали бирон хорижий филмни кўрар экансиз, инглиз тилининг ишлатилишидан дарров у Британча ёки Американча эканлиги

сезилади. Албатта бунинг учун ўша тиллардаги эквивалент сўзларни билсангиз. Бадиий адабиётларда ҳам бу яққол сезилади. Шеърят ва насрий адабиётлар ҳам бундан мустасно эмас.

Хўш, шу ўринда савол туғилади. Нега энди шу икки тил вариантнинг биридан воз кечиб бир дона, ягона стандарт танланмайди. Чунки, бу икки вариант иккига ажрашида тилдаги ишлатилиш ёки ишлатилмаслик хатолари асосида эмас, тилдаги фойдаланувчиларга бўлган қулайликар туфайлигина икки асосий вариантга ажраган.

Энди иккала, Американча ва Британча вариантларни стандартлик хусусиятлари бўйича кўриб чиқамиз. Қуйидаги жадвал инглиз тилини иккинчи тил сифатида ўргатилаётганда, икки тил варианты Американча ва Британча инглиз тилини фарқли томонларини тушунтириш учун ишлатиладиган энг кенг тарқалган сўзлар жамланмасидир. Бу рўйхат 30 дан ортиқ сўз билан берилган бўлиб, ҳар бирининг эквиваленти мавжуд.

Бир бир таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак, масалан<sup>36</sup> *gasoline –petrol* ушбу жуфтликни ўзбек тилимиздаги таржимаси бензин яъни автомобиллар учун ёқилғи. Ишлатилишига кўра, петрол сўзини яқин яқингача ҳам бензин қуйиш шаҳобчаларида *petrol station* да кўрганимиз учун тезда англаймиз. Gasoline эса, ўзбек тилида мавжуд бўлган газалин сўзининг инглизча кўриниши холос. Демак, уни бензин эканлиги тушунарли аммо, тил ўрганувчида иккиланиш бўлмаслиги учун иккови ҳам бир сўзнинг икки кўриниши эканлигини тушунтириб ўтиш лозим.

Ёки, мана бу мисолга эътибор қилсак, *vacation- holiday* - яъни таътил ( *шидан ёки ўқишдан дам олиш учун бериладиган маълум муддатли таътил*), инглиз тилида асосан *holiday* шакли, яъни Британча варианты ишлатилиб, тил ўрганувчи дам олиш муддатидан ташқари байрам

---

<sup>36</sup> English Vocabulary in Use ( advanced level) . British/ American English. Cambridge University Press.

маъносида учратганлиги учун яна иккиланишга учраб, ўқитувчига савол билан мувожаз қилиши табиий ҳол. Шундай ҳолатларни бартаараф этиш учун, тилни ўргатиш жараёнида инглиз тилининг стандарт кўриниши асосан икки Американча ва Британча кўринишлардан иборат эканлигини, ва бу икки шакл ҳам хато эмас, балки эквивалент шаклда бир хил маъноларда ишлатилишини тушунтириб бориш лозим. Аммо, шундай жуфтликлар ҳам борки, ишлатилиш ҳолатига кўра бири иккинчисидан биров эскирган ва асосан эски адабий ёдгорликларда ва адабиётларда учрайди. Масалан, *fall – autumn* - куз фаслининг икки кўриниш шакли бўлиб, аслида *fall* – дастлаб куз фаслини инглиз тилидаги шакли бўлган. Шекспир асарларида *fall* шаклини учратамиз холос. Кейинчалик XIX-XX асрларга келиб, *autumn* ишлатила бошлаган. Лекин ҳозирги кунда *тилдаги тренд* ҳам замон талабига кўра, яна қайта ишлатилиш ҳолатларига бир неча бор гувоҳ бўламиз. Масалан, замонавий бутик ёки кийимлар дўконлар ойналарига *winter-fall collection* –қишки кузги тўплам ёзувини учратамиз. Бу эса фалл сўзини тренддан тилга яна янгидан кириб келиши ҳодисасига бир мисолдир. Шунинг учун ҳам лингвистлар орасида тилдаги тренд атамаси ҳам мавжуд.

Travel and on the street		In the home	
<i>American English</i>	<i>British English</i>	<i>American English</i>	<i>British English</i>
gasoline	petrol	antenna	aerial
truck	lorry	elevator	lift
baggage	luggage	eraser	rubber
blow-out	puncture	apartment	flat
sidewalk	pavement	closet	wardrobe
line	queue	drapes	curtains
vacation	holiday	faucet	tap
trunk (of car)	boot	kerosene	paraffin
hood (of car)	bonnet	Scotch tape	sellotape
cab	taxi	yard	garden
freeway	motorway	cookie	biscuit
round trip	return	candy	sweets
railway car	railway carriage	garbage	rubbish
engineer (on train)	engine driver	diaper	nappy
baby carriage	pram	panti-hose	tights

*Note also: the fall = autumn semester = term [semester is becoming common in Britain.]*

Энди эса мана бу сўзлар рўйхатига эътибор қаратсак;

<i>when they say:</i>	<i>an American means what a Brit calls:</i>	<i>and a Brit means what an American calls:</i>
a bill	a (bank) note	a check (in a café)
the first floor	the ground floor	the second floor
pants	trousers	underpants
potato chips	potato crisps	french fries
purse	a handbag	a wallet
subway	an underground railway	an underpass
vest	a waistcoat	an undershirt
wash up	wash your hands	wash the dishes

Бу сўзлар кўпчилик тил фойдаланувчилари учун иккиланишлар ва тушунмовчиликларни туғдирувчи сўзлардир. Масалан, *a bill*, Британча инглиз тилида *banknote* тушунилса, Американча инглиз тилида эса кафе ресторанда овқатланиб бўлгач тўланадиган харажатлар рўйхати яъни ҳисоб варағи тушунилади. Бу бироз тил фойдаланувчиси учун ғалати туюлиши мумкин. Ёки *purse* сўзини британча инглиз тилида қўлсумкаси яъни *handbag* тарзида тушунилса, американча инглиз тилида эса қўлсумкаси кичик ҳамён тарзида тушунилади ва ишлатилади. Бу каби мисоллар бир нечта.<sup>37</sup>

Британча Американча инглиз тилининг стандарт инглиз тилидаги аҳамияти ҳақида бир неча олимлар изланишлар олиб боришган. Стандарт инглиз тилининг ривожидан бошқа тиллардан сўзларни тилга кириб келиши янги, замонавий сўзларни пайдо бўлиши ҳам алоҳида аҳамиятлидир. Ҳозирги инглиз тилида *bistro*, *kaftan*, *anorak*, *blitz*, *yoghurt* каби сўзларни учратамиз.<sup>38</sup> Таржимаси учун луғатларни очганингизда, кўпинча топиш қийин. Чунки бу каби сўзлар инглиз тилини замонавий сўзлари

<sup>37</sup> Швейцер А.Д. Литературный английский язык в США и в Англии. – М.:1971

<sup>38</sup> English Vocabulary in Use (advanced level).

хисобланиб, уларга ўқитиш жараёнида албатта тушунтириш бериб ўтиш керак. Масалан: *bistro* инглиз тилига рус тилидан кириб келиб тез тайёр бўлувчи таом учун ишлатилувчи атама маъносини беради. *Sauna, bazaar, kiosk, fatwa, marmalade, karate, tattoo, embargo, hippopotamus, cousine, chauffeur, karaoke* каби сўзлар ҳам турли тиллардан инглиз тилига кириб келган.<sup>39</sup> Бундан ташқари замонавий янгича сўзлар ҳам бор бўлиб, булар бирор тилдан кириб келмай, фан, техника ривожига билан туғилаётган сўзлардир. Чунки тилшунослар фикрига кўра ҳеч қайси тил бир нуқтада, бир даврда турмайди, ўзгаради, бойийди. Айрим сўзлар бирор кашфиёт ёки янгилик сабабли дунёга келса, айримлари шунчаки ўйлаб топилади. Шуниси қизиқки, ҳеч қайси ҳокимият ёки қонун янги сўзлар учун чегара қўёлмайди, бундай сўзлар истеъмолга кириб келади, ишлатилади ва албатта луғатга ҳам кириб келиб жойлашишга йўл топади.

Қуйида энг замонавий инглиз тилини бойитаётган сўзларга мисоллар келтирилган:<sup>40</sup>

1. Илмий, фан техника соҳасида;

*Faxable* ( *факс орқали жўнатса бўладиган*)

*junk fax* ( *факс орқали жўнатилувчи реклама*)

*tuttytutsk* ( *қориндан ёзларни олиб ташлаш учун мўлжалланган операция тури*)

*soundbite* ( *мақола, телекўрсатувдан ёзиб олинган кичик жумла ёки фикр*)

2. Спорт ёки мода оламида мавжуд янги сўзлар;

*Monoboarding* ( *бир қисмли board доқасида қир адирлар учун мўлжалланган спорт анжомиди*)

---

<sup>39</sup> Иванова И.П., Чахоян Л.П. История английского языка. –М.:1976

<sup>40</sup> Concise Oxford companion to the English language, 2005. pp. 96-102.

*Vogueing* ( кийимни подюмда намойиши қилиши жараёнида тушиладиган рақс тури)

### 3. Сиёсий ва ижтимоий соҳаларда;

*Eco-friendly* ( экологияга ғамхўрлик)

*Cardboard city* ( уйсизлар учун махсус, кўчма уйлاردан бунёд бўлган шаҳар)

*Advertocracy* - (сиёсий кишиларни оммавий ахборот воситалари томонидан тинимсиз таъқиб қилиниши)

*Couch potato* - (жуда дангаса, эртадан кечгача телевизор қаршисида ўтириб кун ўтказувчи киши учун қўлланиладиган ибора)

Шунингдек, айрим сўзларнинг эскича кўринишларини янгича маъно билан ишлатилиши ҳам учрамоқда.

Масалан; *singlehood* - якка ота ёки она бошчилигида оила тебратиш, *pre-schooler* ( мактаб ёшига етмаган бола), *nostalgise* ( эски аммо ёқимли хотирани эсга солувчи бирор мусиқа, ҳид ёки буюм).

Янги сўзларнинг туғилишида ягона сабаб, даврий ривожланишлар, маҳсулот турлари ва номларининг кўпайиши, ижтимоий ҳаётимиздаги ўзгаришлардир. Булар инглиз тилининг ривожига, тил луғат шаклини бойитишга ижобий таъсир кўрсатади.

Шу ўринда савол туғилади, агар бу тартибда тилда ўзгаришлар бўлаверса, тил вариантларининг кўпайиши ёки тилни янада кўпроқ қисмларга бўлиниши келиб чиқмасмикан? Ушбу савол учун жавоб фақат битта, тил ўзгаришлари чегара қўйиб бўлмас жараёндир. Тилга бағишланган Америка журналларининг бирида Американча инглиз тилига бағишланган бир мақола ушбу саволга жавоб топишда ёрдам беради. Мақола “ *How American English is changing?*”“Қандай қилиб американча

инглиз тили ўзгаряпти?”<sup>41</sup> деб номланган бўлиб, мақоланинг асосий ғояси шундан иборатки, бир неча йиллардирки, американча сўзлар британча инглиз тилига шиддат билан кириб келиши сабаблари ёритилади. Масалан; *movie*- американча инглиз тилидан *film* сўзи маъносида британча инглиз тилига кириб борди. Ёки *awesome* - зўр, *ажойиб*, сўзи *amazing* маъносида кириб борди. *Store* - эса магазин маъносида ишлатилмоқда. Шуниси қизиқки, британча сўзларнинг американча инглиз тилига кириб келиши охириги пайтларда жуда кўплаб учрамоқда. Аммо нега? Бен Ягода исмли, Делавейр Университети тилшунос профессори тилшуносликка бағишланган мақола ва китоблари билан жуда машҳур. У ўзининг “*How not to write bad*” китобида Америка инглиз тилисида ишлатилаётган британча сўзлар рўйхатини тузди. Аммо у “Британча сўзларни қидириб топишда анча қийналсам керак деб ўйлаб хато қилибман, аслида британча сўзларни эмас американча сўзларни қидирсам бўлар экан деган фикрларни айтди.” Бундан маълумки, американча инглиз тили барибир британча инглиз тилидан кейинги ўринларда тан олинади ва хатто Американинг ўзида ҳам бунга бир неча мисолларни бериш мумкин. Бен Ягода тузган рўйхатдан айрим мисолларнинг таҳлил қилсак.

Масалан; *bartender* аслида американча сўз бўлиб, Америкада *barmen* яъни Британча варианты 90 % ҳолатларда ишлатилар экан. Ёки *to call* атамоқ маъносида британча сўз, аммо американча варианты *to name*, ишлатилишида эса *to call* устунроқ. *To reserve* - олдиндан брон қилмоқ американча вариант бўлиб, *to book* британча вариантыни жуда кўп ишлатилишига гувоҳ бўлган. Албатта, профессор ўз изланишларини сўровномалар, таҳлиллар асосида олиб борган ва якуний хулосада Американинг инглиз тили Британча кўринишга кириб бораётганини таъкидлаб ўтган. Бунинг асосий сабаблари қилиб икки асосий нарсани кўрсатди. Биринчидан, Америка Қўшма Штатларида яшовчи аҳолининг 90

---

<sup>41</sup> “Hot English magazine” , 118 version. Language learning part.

фоиздан кўпи Британия газеталарини ҳар куни ўқийди ва ҳар куни BBC, The Guardian, The Daily Mail, The Economist каби оммавий ахборот воситаларини томош қилади ва дунё янгиликларини айнан шу каналлар орқали билиб олади. Иккинчидан Американинг энг машҳур тадбиркорлари Америкадан туриб Британиянинг энг машҳур фирма ва бизнес компанияларига эгалик қилади ва бошқаради. Табиийки, британча инглиз тилининг мавқеийига бу таъсир кўрсатмай қолмайди. Масалан, The Vanity Fair, The New Yorker, The Daily Beast журналлар муҳаррири Tina Brown, Anna Wintour, Piers Morgan каби машҳур журналист ва тадбиркорларни тилга олиш мумкин. Шунингдек, британиянинг машҳур *Top Gear*, *DR Who and Downtown Abbey* каби телешоулари Америкадаги энг машҳур ва оммабоп ҳисобланади. Шундай экан Британча инглиз тили қолган инглиз тили вариантларига кириб бормайди деб айта олмаймиз.

Инглиз тилининг ҳамма вариантлари асосида Британча инглиз тили бўлиб, уни бироз ўзгаришлар билан бўлсада турланган жиҳатларининг қолган тил вариантларида кўриш мумкин. Лекин стандарт инглиз тили қонун қоидалари учун ҳам Британча инглиз тилининг асос қилиб олинганлиги ҳам бунга сабаб бўлиши мумкин. Чунки ҳамма тил ўрганувчи ҳам ўргатувчи ҳам тилда мукамалликка эришишни ва ўша тилни тўлиқ тушунишни хоҳлайди.



### **2.3. Инглиз тилини ўқитишда, талаффуз нормалари ва қоидаларининг ўрни ва аҳамияти, адабий вариантлар танлашдаги муаммолар.**

Инглиз тилини ўқитиш бугунги кунимизда жуда аҳамиятли. Тил ўргатишни боланинг эрта ёшидан бошлангани маъқул. Аммо, тилни ўрганиш учун аввало она тилида тил ҳақида бироз тушунчага эга бўлиш керак. 6-7 ёшлардаги болада эса ўз она тилиси ҳақида ҳали етарлича тушунча мавжуд бўлмайди ва шу даврларда фақат энг оддий сўзларни ўргатиш яъни луғат бойлигини ўстириш билан олиб борилади. Ёш бола бирор сўзни инглиз тилидаги талаффуз қоидаларини ўргатувчига таклид қилган ҳолатда ёдлайди ва қайтаришга ҳаракат қилади. Чунки тил фақат ўрганиладиган жараён эмас, балки у эгалланади. Чунки ҳеч ким она қорнидан бирор тилни билиб туғилмайди, балки атроф муҳит таъсирида, эшитган тили билан онги очилиб, тили ривожланади. Шунинг учу ҳам тил ўрганишнинг энг дастлабки усуллари бу эшитиб, такрорлаш ва кичик кичик нутқ бирликлари диалоглар билан мулоқотга киришишдир. Тил ўрганишда муҳит энг асосий нарса, масалан, ота онаси уйда рус тилида сўзлашувчи оила болалари рус тилини ўзлаштиради, (ҳеч қандай грамматика қоидаларисиз). Шундай экан инглиз тилини ўргатишда ҳам шундай муҳитни яратиш (ҳеч бўлмаганда фақат дарсларда) ўргатувчидан талаб этиладиган энг муҳим нарса. Агар жараён нутқни ривожлантирувчи омиллар суҳбатлар, authentic –яъни ҳаётий мисоллар билан берилган ўқиш машқлари, тинглаш машқлари, интерактив ўйинлар билан олиб борилса, биринчидан тил ўрганиш жараёни тезроқ, иккинчидан самаралироқ бўлади. Айниқса, ўргатувчининг бир дарслик билан ишламасдан, турли манбалардан олинган хилма хил материаллар билан таълим жараёнини олиб борса, инглиз тилининг стандарт кўриниши балки худудий вариантлари бўйича ҳам ўқувчида етарли кўникмалар пайдо бўлади.

Тил ўргатиш жараёнида турли муаммолар келиб чиқиши мумкин. Булар ўрганувчининг ёши, ақлий қобилияти, қизиқиши, тил ўрганишга

бўлган салоҳияти, ва албатта она тилининг таъсирида кўриниши мумкин. Ўзбек тили ва инглиз тили келиб чиқиш нуқтаи назаридан турли тил оилаларига бориб тақалганлиги учун, ўзбек тили она тилиси бўлган ўрганувчи тил ўрганишнинг дастлабки пайтларида икки тил ўртасидаги лексик, грамматик, фонетик фарқлардан чалғиши мумкин. Чунки, ўзбек тилида гап қурилиши, сўз бирикмаларининг гаплардаги ўрни, гап бўлаклари, жамики тилимиз конун қоидалари бутунлай бошқача. Шунинг учун ҳам тил ўргатувчининг педагогик ва методик маҳорати ўрганувчини тил ўрганишга бўлган мақсадига элтишида энг асосий нарсадир. Айримлар ўргана оламанми, дея чўчишади. Буни эса тил ўрганиш жараёнини қизик қилиб, бу каби муаммоларни олдини олиш мумкин.

Тил ўрганиш жараёнида тилнинг адабий вариантлари ҳақида ҳам тушунтиришлар бериб ўтиш кераклиги айтиб ўтилди. Тахлиллар шуни кўрсатадики, тил вариантлари айниқса Американча ва Британча инглиз тили ўртасидаги икки хиллик фарқлари, кўп ўрганувчилар учун иккита сўздан бири хато деган нотўғри тушунчани бериши мумкин. Шунинг учун ҳам энг кўп қўлланилувчи американча ва британча инглиз тили сўзлари рўйхати, луғат бойликлари ривожлантириш жараёнида бериб борилиши керак. Зеро, ўқувчи бу каби ҳар хилликлар хатолар эмас балки тилнинг турли вариантлари эканлигини тушунсин. Аммо, адабий тил вариантларидан кўпроқ хабардор бўлиш учун кўпроқ мустақил ўқиш машқларини амалга оширгани маъқул. Турли филмларни томоша қилиш, инглиз тилидаги журнал ва газеталар ҳам тилдаги вариантлардан кўпроқ хабардор бўлишга ёрдам беради. Шундай ҳолатлар ҳам борки, икки тил вариантыдаги фарқларни ўша контекстсиз тушуниш қийин. Қуйида бир неча тахлилий муҳокамани кўриб чиқсак;

Масалан: ***It isn't too bad*** - бу гапни инглиз бўлмаган киши ***She likes it*** - Ёмонмас маъносида тушуниши мумкин, лекин британияликлар эса ***it is awful*** ни назарда тутган бўлади.

Мана шу каби нутқий бирликларда муаммолар жуда кўп учрайди. Чунки кўпинча Британияликлар нутқда кўполлик бўлмаслиги учун фикрларини тоғридан тоғри ифода этишмайди. Ва натижада бошқа миллат вакили учун тушуниш қийин бўлиши мумкин. *Hot English Magazines* журналида айтилишича, Немис компанияси махсус guidebook -йўриқнома ишлаб чиққан. Ушбу йўриқнома орқали бир гапни қайси маънода ишлатилишини билиш мумкин. Қуйидаги рўйхат шу guidebook-йўриқномадан мисоллар билан берилган.

Британиялик айтади	Ҳорижлик нима деб тушунади	Британиялик аслида нимани назарда туттади
That was very brave of you!	She thinks I am very courageous	You are insane!
Very interesting!	She seems to like the idea!	How boring!
Not bad for a first attempt!	She thinks it is quite good!	I hate it!
Ok! I will bear it in mind	She will probably do it!	I have forgotten it already!
I am sure it is all my fault!	She is accepting the responsibility!	It is definitely your fault!
You must come over the dinner sometime!	I have been invited for dinner!	This is not an invitation.
I was a bit disappointed	It doesn't really	I am very angry.

with the result!	matter.	
I hear what you are saying	She accepts my point of view.	I disagree and don't want to discuss it further
Ah huh(boshni ha alomati kabi qimirlatish)	She agrees with me!	I am listening but don't agree.
Oh,by the way,did you finish the work?	This is not important.	This is very important.

Бу мисоллардан кўришиб турибдики, инглиз тилида сўзлашаётганда суҳбатдошнинг нима демоқчи эканлигини билиш ҳамма вақт ҳам осон эмас. Британияликлар, жуда мулойим, доимо мулозамат билан гапирди. Лекин киноя маъноларидаги мисоллар эса, сўзлашувчидан суҳбатга киришишда эҳтиёт бўлиш кераклигини эслатиб ўтади.<sup>42</sup>

---

<sup>42</sup> Hot English magazine. 132 version. Guidebook for the special words.

## II боб бўйича хулосалар

Юқорида умумий ҳолатда бир неча мисоллар айтиб ўтилди, аммо инглиз тилининг стандарт ҳолатдаги кўриниши асосан 2 вариантда Американча ва Британча инглиз тилида эканлигини унутмаслик лозим. Бугунги кунимизда таълим, иқтисодиёт, фан, техника инглиз тилининг стандарт кўриниши асосида олиб борилиб, бунинг асосий сабаби тилнинг тушунарли ва бир қолипда эканлигидадир.

Юқоридаги таҳлиллар ва солиштирмалар шуни кўрсатадики, инглиз тилининг ҳамма вариантлари асосида Британча инглиз тили бўлиб, уни бироз ўзгаришлар билан бўлсада турланган жиҳатларининг қолган тил вариантларида кўришимиз мумкин. Лекин стандарт инглиз тили қонун қоидалари учун ҳам Британча инглиз тилининг асос қилиб олинганлиги бунга сабаб бўлиши мумкин. Чунки ҳамма тил ўрганувчи ҳам ўргатувчи ҳам тилда мукамалликка эришишни ва ўша тилни тўлиқ тушунишни хоҳлайди.

## **III БОБ. Адабий инглиз тилининг маҳаллий кўринишлари ва уларнинг тилдаги аҳамияти**

### **3.1. Адабий инглиз тилида шевалар, лаҳча, жаргонлар ва уларнинг ишлатилиш ўринлари ва аҳамияти**

Инглиз тилининг ривож ва тарқалиши ҳақида сўз борар экан, машҳур инглиз тилшуноси профессор Давид Кристалнинг бу тилга берган таърифи жоиздир. У ўз фикрларида айтади: “ *Инглиз тили глобал тилга айланди. Чунки у ўзининг муносиб жойини муносиб пайтда топган тилдир* “ . XXI аср бошида дунё тилшуносларининг умумий хулосалари ҳам бу фикрларнинг яққол далилидир. Энг сўнгги маълумотларга кўра дунёнинг 4 дан бир қисми мана шу инглиз тилда сўзлашар экан. British Council ликнинг маълумотларига қараганда бутун дунёнинг 375 миллион аҳолиси инглиз тилини биринчи тил сифатида, 750 миллион киши эса хорижий тил сифатида ўрганар экан. Шунингдек 1.5 миллиард киши аллақачон инглиз тилида мукамал сўзлашиб, ўзлаштирган ҳисобланади. Инглиз тилини маҳаллий тил билан энг кўп қориштириб ишлатувчи ҳудуд бу Ҳиндистон бўлиб, унинг тарихийлик жиҳатдан кўп даврдан бери инглиз тилининг бу ҳудудларда ҳукмронлиги билан изоҳланади.<sup>43</sup>

Ушбу бобда инглиз тилини умумий маҳаллий кўринишлари яъни бу тилда шевага хос сўзлар, лаҳча, жаргон сўзларни ишлатилиши, инглиз тилининг расмий ва норасмий кўринишлари, академик инглиз тили, адабий инглиз тили ҳақида сўз боради. Шунингдек инглиз тилини ўқитишдаги нормалар ва қийинчиликлар муҳокама қилинади.

---

<sup>43</sup> Subcontinent Raises Its Voice, Crystal, David; Guardian Weekly: Friday November 19, 2004.

Инглиз тили Немис, хитой, испан тиллари каби плюрасентрик яъни кўп вариантли тил ҳисобланганлиги учун, унинг худудий турлари Америка, Британия, Австралия, Янги Зеландия, Канада каби минтақаларни ўз ичига олиб, ҳар бир худуднинг ўзига хос шевага хос сўзлари, расмий норасмий шакллари, лаҳчалари мавжуд. Тилшунос Давид Кристалнинг айтишича, тил бўйича экспертман деб ҳисоблаган тилшунос ҳам инглиз тилида ишлатилаётган ғалати кўплик ҳодисасига дуч келиши табиий. Масалан: *Englishes, persons* кабилар.

Инглиз тилини тил сифатида ўрганар эканмиз, унда мавжуд бўлган шевага хос сўзлар, лаҳчалар хилма хиллигига гувоҳ бўламиз. Шевага хос сўзлар айнан маълум бир худудуд ёки минтақа кишиларигагина тушунарли ва таниш бўлган сўзлар бўлиб, улар тил ривожига ва луғат бойлигининг ошишида бевосита хизмат қилади. Шунингдек, шевага хос сўзлар адабий тил қоидаларидан йироқ фақатгина сўзлашув услубида ишлатилиб, тилнинг адабий нормаларига бўйсунмайди. Улар стандарт инглиз тилидан грамматик, талаффуз, ва луғат таркиби билан фарқланади. Аслида шевага хос сўзлар асосий 3 қисмга: худудий шевага хос сўзлар, классик яъни фақат аҳолининг юқори ёшдаги эски авлод вакиллари ишлатувчи шевага оид сўзлар ва адабиётда ҳам маъно нозикликлари учун ишлатилувчи шевага доир сўзларга бўлинади.<sup>44</sup> Ҳеч шубҳа йўқки, стандарт инглиз тилида асосий ижтимоий ўринни эгалловчи бу шевага хос сўзлар яъни диалектлардир. Стандарт инглиз тили ҳам диалектлардан шаклланган бўлиб бу таълим, фан ва расмий идоравий услуб наъмуналарида намоён бўлади. Булар ностандарт диалектлар ва стандарт диалектларга ҳам бўлиб ўрганилади.

Масалан; *Woman who taught us* - ушбу гап стандарт диалект яъни қонун қоидалар асосида ёзилган кўриниши бўлса;

---

<sup>44</sup> Маковский М.М. Английские социальные диалекты. –М.:1982.-71с

Булар эса ностандарт инглиз тилининг диалект кўринишлари:

*The woman what taught us;*

*The woman as taught us,*

*The woman at taught us,*

*The woman which taught us*

Ушбу гаплардан турли грамматик шакллар билан ёзилган гапнинг маънолари битта аслида, лекин қонун қоидалари ҳар хил холос.

Диалектлардан ташқари инглиз тилидаги турли акцент кўринишлари ҳам мавжуддир. Бу ҳам тилнинг турли вариантларида турлича. Акцент тилдаги таллафуз қоидаларини турличалиги билан изоҳланади. Диалектда қайсидир маънода грамматик қоидалар мавжуд бўлиб, маҳаллий луғатни ҳам шакллантирган бўлади. Лекин стандарт инглиз тилида аммо ўзининг маҳаллий аксенти билан гап гапириш мумкин. Шу жиҳатдан акцентни бу тилдаги табиий, тўхтатиб бўлмас, аммо ўзгартирса ривожлантирса бўладиган жараёндир. Фактларга кўра, Стандарт инглиз тилида сўзлашувчи аҳолининг 3 ёки 5 фоизигина маҳаллий акцентларсиз гапиради. Бу эса акцентсиз стандарт инглиз тили бўлиши мумкин эмас деган фикрга яққол далилдир. Акцентсиз стандарт инглиз тилида гаплашувчилар акцентлари инглиз тилисини баъзида BBC инглиз тили аксенти деб ҳам аташади. Шунингдек маҳаллий ва ижтимоий диалектлар ва акцентларнинг ҳам турлари, фойдаланиш жойлари ва услублари бор.

Машҳур тилшунос Трудгилл инглиз тилида мавжуд бўлган диалектларни икки қисмга; *Traditional dialects* - яъни аҳолининг ёши катта катламлари томонидан ишлатиладиган, ва асосан қишлоқ ҳудудларда фойдаланиладиган диалектлар ва *Mainstream dialects* - аҳолининг ёши кичик яъни ўрта ёш вакиллари томонидан , шаҳарларда яшовчилар



томонидан ишлатиладиган ва стандарт инглиз тилига анча мунча яқин кўринишдаги диалектларга ажратган.<sup>45</sup>

*Traditional dialects* - аслида бу каби диалектлар жуда кўп бўлиб, кундан кунга камайиб, ўз ўрнини ёш авлод вакиллари диалектларига бўшатиб бермоқда. Аммо уларнинг асосий хусусияти шундан иборатки, стандарт инглиз тилидан жуда узоқ, аммо бир биридан жуда ҳам фарқли.

*Mainstream dialects* - асосан ёш авлод, шаҳар ҳудудларида яшовчилар томонидан ишлатилиб, бир бирига жуда ўхшаш ва яқин. Лекин стандарт инглиз тилига ҳам жуда яқин. Масалан:

*Ho, inna going. Her bain't a goin.* - Ушбу гап *traditional dialect* га мисол

Булар эса: *She's not going/ she isn't going/ she ain't going* - *Mainstream dialect* га мисолдир.

Кўришиб турибдики, булар стандарт инглиз тилига яқин, деярли бир хил. Дастлабки иккитаси стандарт инглиз тили, учинчиси эса ностандарт инглиз тилидир.<sup>46</sup>

Талаффузда ҳам турли фарқли томонларни кўриш мумкин. Мамлакатнинг турли қисмидаги ишлатилаётган диалектлар ҳам талаффуз қоидаларига кўра турлича. *Mainstream dialect* - ёш авлод вакиллар диалектларни фарқларини қуйидагича изоҳлаш мумкин.

1) Англиянинг марказий ва шимолий қисмларда, Уелснинг айрим қисмларида талаффузга кўра қофияланишни учратамиз. Масалан; *put* ва *but*, булар қофиядош, *foot*, *could*, *push* сўзлари талаффузида бир хил унли товуш жаранглайди. Аммо шимолий Ирландияда эса *put* ва *but* сўзлари

---

<sup>45</sup> Wakelin, Martyn Francis. *Discovering English Dialects*. Oxford: Shire Publications. 2008. p.4

<sup>46</sup> Smith, Jeremy. *An Historical Study of English: Function, Form and Change*. London. 1996.

кофиядош ҳисобланмайди. Чунки уларда эшитилишида турлича унлилар учрайди.

2) Жанубий Англиянинг Ланкшайр, Шотландия ва Ирландияда *r* товуши *caɪ* каби сўзларида талаффуз қилинади. Англиянинг бошқа қисмларида эса ушбу *r* товуши талаффуз қилинмайди.

3) Англиянинг ва Уелснинг кўп қисмларида маҳаллий акцент туфайли сўзлардаги *h* товуши деярли талаффуз қилинмайди. Масалан; *hat, hill, like, house* ва бошқалар. Ирландия, Шотландия, Дурҳам ва шарқий Англияда эса *h* товуши анча мунча сўзда мавжудлиги товушда эшитилади.<sup>47</sup>

Аммо *Traditional dialect* - классик диалект турларида бор бўлган талаффуз қоидаларининг айримлари ёш авлод акцент ва диалект қоидаларида учрамайди.<sup>48</sup> Масалан:

1) Англиянинг жанубий ғарбий оролларида *f,s,sh* товушлари *v,z,zh* тарзида талаффуз қилинади. Масалан, *farmer* сўзи *varmer* тарзида, *Somerset* эса *Zomerzetant, sheep* эса *zheep* тарзида.

1) Шотландиянинг куйи қисмида, шимолий Ирландияда, Кумбрия, Дурҳам, шимолий Ёркшайрда *long, wrong, song* каби сўзлар *lang, rang, sang* деб талаффуз қилинади.

2) Шотландиянинг куйи қисмларида ва шимолий Ирландияда эса *light, right, night* каби сўзлар *licht, richt, nicht* каби талаффуз қилиниб, немис тили товушларини эслатади. Кумбрия, Дурҳам, Ёркшайрда эса *neet, leet, reet* деб талаффуз қилинади.

Юқоридаги мисоллар ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, инглиз тилини тил сифатида шакллантирган омиллар ва ривожлантирган хусусиятлар жуда

---

<sup>47</sup> Маковский М.М. Английские социальные диалекты. –М.:1982.-68с

<sup>48</sup> Wells 2006. “Accents of English”. P. 595/

кўп. Шу ўринда савол туғилади, нега энди шевага хос сўзлар, жаргонлар ҳам тил ўрганувчилар томонидан диққат эътибор билан ўрганилади? Фарқлари тил ўргатувчи томонидан тушунтирилади? Чунки тил ўрганувчи учун стандарт инглиз тилининг ўзи етарли эмасми? Бу борада, фикрлар хилма хил. Ўзбек тилида ҳам жаргон ва шевага хос бўлган сўзлар жуда кўп, ва уларни ўрганиш ҳам тил тарихини билишда, энг нозик хусусиятларини англашда ёрдам беради. Дастлаб инглиз тилида Slang - шевага хос сўзларни тахлил қилиш жоиз. Жаргонлар асосан норасмий тил кўриниши бўлиб, асосан маҳаллий сўзлашув нутқида кенг ишлатилувчи ва мана шу ҳудуд кишиларига тушунарли бўлган сўзлар, иборалар йиғиндиларини ташкил қилади. Жаргонларни ишлатиш нутқни аниқроқ, боёқдорроқ, ва маълум маънода қизиқроқ бўлишида ёрдам беради. Ҳатто баъзан оғзаки нутқдаги жаргонларни оммавий ахборот воситаларида ҳам учратиш мумкин. Ўша тилнинг маҳаллий тил сўзлашувчиси бўлмаган киши учун жаргонларни шартта ишлатиш баъзан тўғри эмас. Чунки, айрим жаргонлар айрим кишилар учун салбий маънолар касб этгани учун, ишлатиш анча ноқулайликлар туғдиради. Масалан, *policeman* –полиция ходими учун оғзаки нутқда *coppers* - сўзи ишлатилади, бу сўз бу касб эгаси учун унчалик салбий таъриф эмас, аммо *pigs* жаргонини ишлатиш эса жуда кўпол ва албатта бу касб эгаларини ҳафа қилиши турган гап. Бу каби мисоллар бир нечта.<sup>49</sup> Шунингдек даврлар ҳақида ҳам жаргонлар бор ва улар асосан ёши катталар томонидан яхши тушунилади ва ишлатилади.

Масалан: *pre-war* -урушдан аввалги йиллар - *top-hole* деб яъни дастлабки давр, энг аввалги йиллар маъносида ишлатилади. 1980 йиллар эса оғзаки нутқда *wicked* - яъни энг сўнгги, зўр, ажойиб давр маъносида ишлатилган.

---

<sup>49</sup> Маковский М.М. Английские социальные диалекты. –М.:1982

Мисолларни яна давом эттириш мумкин: <sup>50</sup>

pre-war: top-hole	1970s: ace, cosmic
1940s: wizard	1980s: brill, wicked
1960s: fab, groovy	

Жаргонларни фойдаланувчилар ёшига ҳам саралаш осон ва тахлил қилиш анча қулай. Телевиденияда, оммавий ахборот воситаларида, кино филмларда жуда кўп жаргонлар ишлатилади, аммо уларни яхши тушунмай ва англамай туриб фойдаланиш тавсия этилмайди. Қуйида бир қанча энг кўп тарқалган slang ларни кўриб чиқсак;

Масалан: Money- пул – *dough, dosh, bread, loot, brass, spoondooicks*  
Ўзбек тилимизда ҳам пул сўзи учун ажойиб жаргонлар мавжуд; *соққа, кўкидан, муллажиринг.*

Police -полиция ходими- *pigs ( жуда қўпол), coppers, fuzz, bill ( ўзбек тилида арча,мент)*

Stupid - Аҳмоқ- *wally, prad, jelly, pillock (ўзбек тилида- тентак, доводир, дуббул)*

Жаргонларни ўрганиш жуда қизиқ, айрим ҳолатларда фойдаланувчиларни ўзигина тушунгани учун, айрим жаргонлар атайлаб сир сақлаш, ёки айтмоқчи бўлган нарсани яшириш мақсадида ҳам ишлатади. Масалан; юк машина ҳайдовчилари ўртасида қуйидаги жаргонлар қўлланилади;

**Grandma lane**-slow lane - секин юриладиган топ кўча

**Doughnuts-tires** -шина ғилдираклари

**Motion lotion**-fuel -ёқулғи

**Anklebites**-children -болалар

---

<sup>50</sup> English Vocabulary in Use, Upper – Intermediate. Unit 42.

**Super cole-beer** -пива

**Affirmatives**-yes -ҳа

**Eyeballs**-headlights -чироқлар

**Five finger discounts**-stolen goods -ўғирланган товарлар <sup>51</sup>

Ушбу мисоллардан кўриниб турибдики, сўзлар ўзининг асл маъносидан бошқачароқ маъноларда ишлатилипти. Аммо муаммоли томони шундайки, бу соҳа эгаси бўлмасангиз бирор таҳлил ва тушунтиришсиз дарров тушуниш жуда қийин.

Жаргонлар тилдаги алоҳида хусусиятлар бўлиб, ундан воз кечишнинг сира имкони йўқ. Яқинда Американинг *'Hot English Magazine'* журналининг 124 сонида ажойиб мақола чоп этилди. Мақола *"Should slang be banned?"* *"Жаргонлар таъқиқланиши керакми?"* деган ном остида чоп қилинди. Унга кўра Англия ва Американинг жуда кўп мактабларида ўқувчиларни стандарт инглиз тилида фойдаланишларини таъминлаш мақсадида, жаргонларни назорат қилиш ва ишлатилишларини камайтириш учун жаргонлар таъқиқланди. Англиянинг Юқори Норвудедаги Ҳаррис Академияси мактабида талабаларнинг  *cuz' (because) yeah (yes) ain't (isn't /aren't)* каби жаргонларни ишлатиш тақиқланди. Мактаб деворларига таъқиқланган сўзлар рўйхати ва эслатмалар осилди. Хатто, ота оналарга ҳам бу қарор ҳақида тушунтиришлар акс этган хатлар жўнатилди. Бундан ота оналар ҳам, болалар ҳам нега? деган савол билан мурожат қилганликлари табиий. Чунки ўқитувчилар кузатишлари бўйича шу каби жаргонлар болалар ёзма нутқида ҳам пайдо бўлаётганлиги, хатто жуда кенг қўлланилаётгани мактаб маъмуриятини ташвишга солаётганлиги айтиб ўтилди. Болалар шу ҳолда давом этсалар, келажакда улар стандарт

---

<sup>51</sup> Milwaukee. Dialect Survey-Level of a building that is partly or entirely underground. University of Wisconsin. Retrieved 2008-06-17.

инглиз тилидан эмас балки ўзлари учун қулай бўлган жаргонлардан фойдаланишга, хатто уларни фарқламай ишлатилишига ҳам сабаб бўлади.

“-Биз уларни тил қоидаларидан тўғри фойдаланишга ўргатмас эканмиз, улар қандай қилиб ишга кириш учун ариза, тушунтириш хати, кафолат хати кабиларни ёзишлари мумкин.”- дейди ўқитувчилардан бири. Жаргонларнинг асосий сабаби ва манбаи- кино, сериаллар, шоулар, кўшиқлар, ижтимоий тармоқдаги суҳбатлар эканлиги жуда ташвишли, айниқса ижтимоий тармоқда деярли стандарт инглиз тилидан фойдаланилмайди, ва исталганча тилдан фойдаланиш кузатилади. Хатолар эса ҳеч ким томонидан текширилмайди, танқид қилинмайди.

Шунинг учун ҳам *what* ўрнига *wot*, *that* ўрнига *dat*, *going to* ўрнига *gonna*, *want to* ўрнига *wanna*, *with* ўрнига *w* ишлатилиш ҳолатлари учрайди. Шунингдек мақолада тилшунос экспертлар тилни назорат қилишнинг натижаси самарасиз, чунки тил айниқса инглиз тили жуда ўзгарувчандир деб фикр билдиришади. Чунки тил фойдаланувчилари инглиз тилини тез ва осон ўзлаштиради. Шунинг учун ҳам у глобал тил бўлиб шаклланган. Бу тилнинг шу даражада оммалашиб кетганлигининг сабаби ҳам, унинг тез ўзлаштирилишидадир деб айтади. Дунёда тилни назорат қилувчи ҳеч қандай ташкилот йўқки, жаргон, кўча сўзлари, диалектларни тартибга солса ва ишлатишни тақиқласа. Шундай экан жаргонларни ишлатиш ва ишлатмаслик тил ўрганувчининг интеллектуал қобиляти ва билимига боғлиқдир. Ишлатган ҳолатда ҳам ишлатиш ўрни ва жойини билиб ишлатса мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки “*war*” сўзи *slang* ҳолатда ишлатилса сизни ташвишга соладими йўқми? Йўқ албатта чунки бу сўз фақат қаршилик билдириш маъносида ишлатилишини билиб турибсиз. Шундай экан *slang* – жаргонларни ишлатиш унчалик “*хавфли*” эмас.

Аммо, тил ўргатувчидан биров тилдан фойдаланишдаги қаттиққўллик ва тил қоидаларига амал қилишликни тушунтириш талаб этилади.<sup>52</sup>

Ушбу мақолада Британияда кенг қўлланилувчи жаргонларни маълум категорияларда бериб таҳлил қилинган. Маҳаллий тилда сўзлашувчилар томонидан тушуниладиган шу каби сўзлар бошқа тил ўрганилувчилар томонидан ҳам ўрганилиши керак. Шу каби жаргонлар билан танишиш ва ҳеч бўлмаганда ишлатилаётган вазиятдан келиб чиққан ҳолатда тушуна олиш ҳам маҳоратдир. Чунки бирор жаргонни нотўғри ишлатиш натижасида кимнидир ҳафа қилиш, нафсониятига тегиш ва ўзингиз билмаган ҳолатда ҳақоратлаш ҳам мумкин. Мақолада юқорида диалектларни ҳам икки авлод вакиллари томонидан ишлатилиши айтиб ўтилган эди. Мақолада ҳам жаргонларни тушунишнинг энг яхши йўли сифатида кўпроқ филмлар томоша қилиш керак ва бу албатта таҳлил қилган ҳолатда бўлиши керак.

Жаргонларни ҳаётий мисоллар билан таҳлил қилиш, уларни асл маъноларини тушунишда ёрдам беради. Ушбу жадвалда бир вазиятда ишлатиладиган жаргонлар, расмий, норасмий шакллари билан таснифланган.

Вазият	Расмий Ҳолатда	Нейтрал, оддий ҳолатда	Норасмий ҳолатда
Дўстингизни доим нимадир эсидан чиқади	She is somewhat absent minded	She is really forgetful	She is the feather brain/She is a scatterbrain
Сиз ўтиришдасиз ва	I was quite unaware of how	I didn't realize what time it was	Oh, I completely lost the track of

<sup>52</sup> Hot English magazine. 134 version.

вақтни алламаҳал бўлганини сезмай қолдингиз.	time had passed		time.
Сиз кўрган филм жуда ёқди ва дўстингизга айтяпсиз..	It really impressed me	It was incredible	It was out of this world!/It was awesome.
Сиз бирор қизни қўлини сўрадингиз ва буни дўстингизга айтиб беряпсиз	I asked her for hand in marriage	I asked her to marry me	I went down on one knee/I popped the question
Кимнидир тинчлантириш учун	Please make an attempt to enter a state of repose	Calm down!	Chill out! Don't get your panty hose in a bunch
Дўстингиз сира пул сарфлашни ёқтирмайди	He is reluctant to part with his money.	He is a bit mean.	He is real Scrooge./He is real miser/mean.
Дам олиш қунигиз жуда зерикарли ўтди ва ҳеч нима қилмадингиз.	I was unoccupied all weekend.	I had nothing to do all weekend.	I was twiddling my thumbs all weekend.



Кимдир офисингиз деразасини синдирди, ва сиз буни кимтўлаши кераклигини аниқламоқчисиз.	Who is going to contribute the cost incurred?	Who is going to pay for this?	Who's gonna pick up the tab for this?
---	---	----------------------------------	---

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, стандарт инглиз тилими ёки но стандарт инглиз тилими иккови ҳам инглиз тилининг формасидир. Улар фойдаланувчилар томонидан ишлатилади ва яратилади. Шундай экан, давр ўтиши билан жаргонлар ҳам кўп фойдаланилганли учун стандарт инглиз тилидаги сўзлар қаторидан жой олиши ҳеч гап эмас.


### 3.2. Адабий англиз тилини ўқитишда сўзларнинг семантик, лексик, морфологик ва грамматик хоссалари.

Ҳозирги кунда англиз тилида қанча сўз мавжуд? Бу саволга аниқ рақамлар билан жавоб бериш мумкинми? Бутун дунё *GLOBAL LANGUAGE MONITOR* таъкидлашича англиз тилида 2 миллиондан ортиқ сўз бор. Аммо аслида айнан мана шунча деб рақам билан тилдаги сўзлар сонини кўрсатиш мумкин эмас. Чунки англиз тилида бир дона сўз предлоглар боғловчилар, чизикчалар билан бошқача маъноларни ҳам беришини, янгича сўзлар ясалишини яхши биламиз. Чунки тилдаги қайси белги ёки бирикма якка сўз сифатида саналишини ва қайси ҳолатда саналишини бир сўз билан айтиш қийин. 1989 йилда охириги марта нашр қилинган, *Oxford English dictionary* англиз тилининг асосий луғат бойлиги жамланган луғат китоби ҳисобланиб, 615.000 туб сўзларни ўз ичига олади ва ўз навбатида сўзлар ўзларидан 300.000 дан ортиқ кўшимча маънодаги сўзларни ҳам жамлайди. Ушбу луғат ўз ичига илмий атамалар, шевага хос сўзлар, жаргонларни ҳам ўз ичига олади. Аммо янги тилга кириб келган сўзлар, техник илмий сўзларнинг айримлари бу луғатдан жой олмаган. Шундай экан шу каби кўп вариантларга эга бўлган тилни таҳлил қилиш жуда қийин. Чунки Шекспир асарларини ўзи 16.000 дан 30.000 гача бўлган сўзларни, ” Kings James Bible” асарида эса 7000 дан 10.000 гача бўлган сўзларни ўз ичига олган. Инглиз тили эса бутун дунё бўйлаб тарқалган халқаро тил бўлса, унинг сўз миқдори ҳақида муҳокама қилишнинг ўзи мураккаб. Саводли англиз тилида гаплашувчи киши ўртача 15.000 дан 20000 гача сўз бойлигига эга бўлса, буларнинг атиги 10 фоизигина бир ҳафталик нутқида ишлатиши мумкин экан. Инглиз тилини 2 - тил сифатида ўрганган ва ишлатадиган кишилар эса билган сўзларининг 25 фоизини доимий ишлатар қолган қисmlари эса деярли ишлатилмас экан.<sup>53</sup>

---

<sup>53</sup> Crystal, David 2003. “The Cambridge Encyclopedia of English language”. Cambridge University Press.

Ушбу чизма, инглиз тилига кириб келган сўзларнинг аниқ ҳисоб китоблар асосида тақсимланиши асосида яратилган бўлиб, унда инглиз тилида мавжуд сўзлар келиб чиқиши ҳақида яққол маълумотларни билса бўлади.



Лексик жиҳатдан инглиз тилига 120 дан ортиқ тиллардан сўзлар кириб келган. Юқоридаги чизмадан маълумки, замонавий инглиз тилида немис, лотин ва француз тилининг таъсири кўп бўлиб 26-29% фоизни ташкил қилади. Бошқа тиллардан кириб келиб, тилда фойдаланишга мослашган сўзлар масалан; *sport, golf, weekend, hotel, bar, airport* кабилар универсал сўзлар ҳисобланади. Аммо сўзлар кириб келар экан, бироз лексик, семантик, морфологик ўзгаришларга ҳам учрайди. Масалан; *herkot* - украинча бўлиб, инглиз тилидаги *haircut* нинг кўринишидир, *ajskrym* - полякча бўлиб *ice cream* учун ишлатилади. Ёки, *жинси* рус тилидан инглиз тилидаги кўриниши *jeans, champion*-чампион( инглиз тилида).

Тиллардан тилларга кўчиб юривчи сўзларда ўхшашликлар шу аснода учраб туради.<sup>54</sup>

Тил ўрганишда ҳамиша аввало тил тарихи ўрганилади ва унга кўра сўзларни келиб чиқиши, хоссалари тахлил қилинади ва маъно нозикликлари муҳокама қилинади. Янги тил ўрганишни бошлаган киши аввало тилнинг энг дастлабки даража бошланғич луғат бойлиги ва грамматик қоидаларини ўрганadi. XX асргача инглиз тилига Француз тилидан кириб келган сўзлар жуда кўп бўлган. Аммо французларнинг 5 фоиз сўзлари ҳам *anglisizm* яъни инглиз тилидан кирган сўзлардир. Масалан; *rosbif*- (*roasts beef*) француз тилида 350 йиллардан бери, *oust*(west) сўзи эса 700 йиллардан бери бор. Аммо француз тилида ҳам *le meeting*, *le shopping*, *le babysitter* , *le self-service* каби инглиз тилидан кирган кўплаб сўзлар мавжуд.<sup>55</sup>

Шунингдек, инглиз тили синонимик ва антонимик, сўзларга жуда бой Масалан *fine* сўзининг 14та сифат шаклидаги тарифи, 6 та от сифатидаги маъноси, 2 та феъл шакли, ва 2 та равиш бўлиб келиши кузатилади. *Round* сўзи эса 12 та ҳолатда сифат бўлиб, 19та ҳолатда от бўлиб, 12 та маънода феъл бўлиб, 1 та феъл бўлиб, 2 та предлог бўлиб ишлатилиши жуда қизиқ. Ёки *set* сўзини-58 та от маъноси, 126 та феъл маъноси, 10та сифат маъноси борлиги ҳамиша тилшунослар ва тил ўрганувчиларни хайратга солиб келган.<sup>56</sup>

Тилда ишлатиладиган фаол сўзлар билан биргаликда нофаол, бора бора истеъмолдан чиқиб бораётган сўзларни ҳам учратиш мумкин. Масалан: *inept*, *ineffable*, *incorrigible*, *disgruntled*, *disheveled*, *unkempt* –

---

<sup>54</sup> Durkin, Philip. *Global English* , Oxford English Dictionary, 2007.

<sup>55</sup> Coulmas, Florian; Richard J. Watts. *Sociolinguistics: The study of speaker's choices*. Cambridge University Press, 2006.

<sup>56</sup> Coulmas, Florian; Richard J. Watts. “ *Sociolinguistics: The study of speaker's choices*”. Cambridge University Press, 2006

каби сўзлар дастлаб ишлатилган, аммо кейинчалик номаълум сабабларга кўра истеъмолдан чиқиб кетган.<sup>57</sup>

Тилда одатда вақт ўтиши билан маъно кўчишлари ҳам учрайди. Булар *contronim* лар деб аталиб, масалан; *sanction*( *conflict* яъни қаршилик - рухсат олиш маъносида, аммо ҳозирда бирор нарса қилишдан ҳимояланиш ёки олдини олиш маъносига кўчган).

Талаффуз қоидаларига кўра тахлил қиладиган бўлсак, инглиз тили тиллар орасида алоҳида талаффуз қоидаларига эга бўлган тил ҳисобланади. Қадимий инглиз тили 90 фоиз фонемик (яъни сўзлар кўпроқ ёзилишига яқинроқ талаффуз қилинган бўлса) замонавий инглиз тили 40 фоиз миқдорда айтилиши ёзилишига яқин. Ва бунга кўра юзлаб тўғри талаффуз қоидалари бу қоидаларга бўйсунмайдиган бир нечта истисно қоидалар ҳам мавжуд. Талаффуз қоидалари ва тўғри ёзиш услубларига кўра ҳам инглиз тилини Бритиш ва Американ инглиз тили қилиб ажраганлиги ҳаммага маълум. Масалан; *realize-realize, center-centre*. Шунингдек инглиз тилида 40 -50 га яқин турли товушлар бўлиб, уларни талаффуз қилишни 200 дан ортиқ йўллари бор.

Масалан; *sh* товушуни *-shoe, sugar, passion, ocean, champagne* сўзларида , чўзиқ *o* товушини эса *go, show, beau, sew, doe, though, depot* сўзларида, чўзиқ “*e*” товушини эса *me, seat, seem, ceiling, siege, people, key, machine, phoenix, paediatric* каби сўзларда шу каби ҳар бир товуш учун алоҳида сўзлар мисол тариқасида бирма бир ўрганилади.<sup>58</sup>

Тил ўргатиш жараёнида дастлаб фақат талаффуз қоидалари чуқур ўргатилмайди, аммо мисоллар билан тушунтиришга тўғри келади.

---

<sup>57</sup> Расторгуева Т.А. История английского языка. –М.:1983

<sup>58</sup> Абдуазизов А.А. Ҳозирги инглиз тили назарий фонетикаси.- Т.:1986.- 46с

Ўрганувчилар орасида шу каби кўплаб саволлар туғиладики, тил талаффуз қоидалари бўйича жуда кўп тушунтиришлар берилишига талаб қилинади.

Лексик грамматик томондан Британча ва Американча инглиз тилининг фарқли жиҳатларини ушбу мисолларда кўриш мумкин. Масалан; *to ride a bike, a horse* – Британча, аммо американча вариантда *to ride on the train, to ride on a boat* каби мисолларда лексик фарқлар кўринади. Стилистик шаклларда ҳам бир қанча фарқлар бор. Масалан; *politician*-британча инглиз тилида сиёсатга алоқадор, сиёсатчи маъноси тушунилса, американча инглиз тилида эса ҳақоратомус, кишини нафсониятига тегадиган сўз маъносида ишлатилади. Американча инглиз тилининг морфологик ва лексик яна бир фарқли хусусияти унда қисқартмалардан жуда кўп фойдаланишдадир. Масалан; *moment-to-(дақиқа) тарзида, cert, circs-circumstances* каби қисқартирилиб ишлатилади. Предлогларни ишлатишдаги фарқлар:<sup>59</sup>

Масалан:

*I start my holiday on Friday. (BE) – I start my vacation on Friday. (AE)*

*a quarter to five (BE) – a quarter of five (AE)*

*to chat to smb (BE) – to chat with smb (AE)*

*Грамматик жиҳатдан;*

*Do you have a car* - Американча варианты- ёрдамчи феъл **do** ёрдамида ясалган гап? *Have you time?* Британча инглиз тили варианты бўлиб, грамматик қоидалардан йироқ ҳолатда, оғзаки тил кўринишида ишлатилади ва тушунилади.

Демак, Британча инглиз тили ҳамиша ҳам мукамал тил қонун қоидалари асосида мавжуд эмас.

---

<sup>59</sup> Швейцер А.Д. Литературный английский язык в США и Англии. –М.:1971.-105с

Шу ўринда pidgin яъни муомала инглиз тилиси ҳақида ҳам эслатиб ўтиш керак. Pidgin лар турли тилда гаплашувчилар томонидан яратилган бирор кичик тил туркуми бўлиб, бу жараён суҳбат жараёнида кутилмаганда яратилиши мумкин. Уларнинг асосий хусусиятларидан бири грамматикаси жуда оддий, синонимлардан ҳоли, кўпи билан 1500 тача сўз мавжуд бўлган кичик тил. Масалан, хитойлик тадбиркорлик қилиш мақсадида инглиз тилидаги энг керакли бўлган сўзлар билан, оддий содда гаплар билан ўз фикрини билдириши мумкин. Шу тил pidgin деб юритилади. Уларда бир дона феъл бутун гапни англатиши ҳам мумкин.

Масалан; Deal - келишдик, розиман, тушундим каби маъноларда ифодаланади. Аслида **pidgin** хитойчадан олинган сўз бўлиб, тадбиркорлик маъносидаги тил деб тушунилади. Шунинг учун ҳам pidgin ни бизнес тили деб ҳам юритилади.


Инглиз тилини ҳозирги кўринишга келгунига қадар тарихий жараёнларда бажарилган бир неча ислоҳатлар ҳам тил тарққиёти учун арзирли. Кўплаб ёзувчилар давлат арбоблари ва ҳукумат вакиллари тилни соддалаштириш ва оммалаштириш йўлидаги ишлари стандарт инглиз тилини ҳозирги кўринишга келишида жуда аҳамиятли.

Машҳур ёзувчи Бернард Шоу инглиз тили ҳақида ўз фикрларини билдириб “Америка ва Британия умумий бир тил билан иккига ажралган алоҳида давлатлардир” дея изоҳлайди. Чунки тилдаги вариантлардаги фарқли жиҳатлар ёзувчилар ижодида ҳам бир неча ўзгаришлар ва фарқлар бўлишига ҳам сабабчи бўлган. 1760 йилларда эса Бенжамин Франклин инглиз тили товушлар тизмида янгиликлар қилиниши керакли давр талаби дея муҳим *c, w, u* ва *j* ҳарфларини муҳим бўлмаган товушлар деб баҳолаган ва 6 та янги товушни тил алифбосига қўшиш кераклигини таклиф қилган. (кейинчалик Ноаҳ Вебстер ва Марк Твейн ҳам шунга ўхшаш фикрларни айтганлар).

Кейинрок эса Томас Жефферсон ва Ноах Вебстерлар стандарт инглиз тили бир кун келиб алохида тил бўлиб ажралиб чиқиши мумкин деган фаразларни ҳам айтиб ўтишган. XIX асрларда инглиз тилишуноси Генри Свит шу аср сўнгида Англия, Америка ва Австралия бу тилни ривожлантирувчи вариантларнинг энг асосийси бўлиб қолади ва Америка инглиз тилиси ўз устунлигига эришади дея башорат қилган эди.

Ноах Вебстер америка инглиз тилисидаги талаффуз қоидалари билан боғлиқ бўлган ўзгаришларни ўзининг ““The American Spelling book” (1788 йил) тўпламида баён қилган . 1788 ва 1829 йиллар орасида 300 дан ортик нусхада чоп этилган ушбу луғат машхур Библиядан сўнг энг кўп сотилган нусхадаги асар ҳисобланади.

Ушбу асарнинг бевосита давоми ҳисобланган “The Compendious Dictionary of the English language “ (1806 йил) ва “the American Dictionary of the English language)” (1828 йил) асарлар ҳам ўзининг оммабоплиги билан ҳаммани лол қолдирди. Вебстер луғатида сўзлардаги, таллафуз қоидаларидаги ўзгаришлар ва сўзлардаги икки тил ўртасидаги фарқлар, масалан; theatre-theater, center-centre каби фарқли сўзлар муҳокамаси яхши изоҳлар билан ёритилган. Ушбу китобнинг дастлабки кўриниши ҳозиргача сақланиб қолган.





Аммо, Вебстер Британча ва Американча инглиз тилидаги сўзларни тўғри талаффуз қоидаларини тўғри тахлил қилиш учун масъул эди. Чунки, агар у тартиблашда хатоликка йўл қўйса, унинг китобидан нотўғри кўринишда ўрганиб олишлари ва натижада тилдаги хато камчиликлар келиб чиқиши мумкин эди.<sup>60</sup>

Масалан:

*Traveler-traveller*

*Jeweler-jeweller*

*Honor-honour*

*Aluminum-aluminium*

*Defence-defense*

Шуниндек у тилда шаклланаётган янги сўзлар тўғрисида ҳам айтиб ўтган бўлиб, Масалан;

*Appreciation*

*Accompaniment*

*Expenditure*

*Demoralize*

Шунингдек тилда бор бўлган бир неча сўзлар фойдаланишда воз кечилаётганлиги, яъни уларни ишлатиш камайиб бораётганлиги ҳам изоҳлар билан айтиб ўтилди.<sup>61</sup>

Масалан: *Wimmen*      *Fugiby*

*Tuf*

*Fantom*

*Groop*

*Croud*

---

<sup>60</sup> Noah Webster. "The American Spelling Book" (first published in 1788).

<sup>61</sup> Blake, NF. "A History of the English language". Basingstoke. Palgrave, 1996

1847- йилларда ака ука тилшунослар Мерриумлар Вебстер луғати учун чоп этиш ҳуқуқини сотиб олдилар ва 1847 йилда ўзларининг қайта кўриб чиқилган вариантлари Merriam Webster dictionary ни оммага тақдим қилдилар. 1906 йили Америкалик филантропист Эндрю Карнеги Вебстер бўйича бироз янгиликлар қилди. У ўзининг катта маблағини тил ривожига сарфлашга ҳаракат қилди, Унинг асосий мақсади тилни мураккабликдан бироз соддалаштириш ва тилдаги бу каби қийинчиликларни йўқ қилиш эди. Масалан; *judgement, catalog, program* каби сўзлар соддалаштирилган инглиз тилининг энг дастлабки кўринишлари эди.<sup>62</sup>

Давлат раҳнамолари ҳам давлат тилига айланиб бўлган стандарт инглиз тилига бефарқ эмас эдилар, улар ҳам тил ривожига йўлида бир неча ислохотларни амалга оширдилар.

Президент Теадор Рузвелт бу каби тилдаги соддалаштирувчи ислохотлар ва янгиликларга ҳайрихоҳлигини билдириб, оммавий ахборот воситаларида ҳам шу каби содда инглиз тилини ишлатилишини таъминловчи қарорлар қабул қилди. Соддалаштирилган инглиз тили нега жуда муҳим эди? Деган савол туғилади. Масалан; тасаввур қилиб кўринг, агар биз ҳозир Алишер Навои даври тилида гаплашсак ва давлат тили шу асосда бўлса? Бу ҳолатни тасаввур қилиш жуда қийин. Биринчидан, замон шиддати тилдан фойдаланиш имкониятларини ўзгартириши аниқ. Иккинчидан, иш, ўқиш, фан техника тезлиги шу даражадаки, бир маромдаги қонун қоидалар, грамматика билан муомала қилиш бироз ноқулайлик туғдириши, суҳбатни чўзиши, ёки жараёни секинлаштириши мумкин бўлар эди. Шу жиҳатдан тилни давр талаби ва ривожига қараб жамият таракқиётига мос ҳолатда яшаши табиий, ижтимоий жараёндир.

Ҳозирги кунимизда инглиз тили ўзининг ривожланиш тарққиётида энг юқори нуқталарга чиқиб бўлди ва жамиятдаги янгиликлар билан бир

---

<sup>62</sup> Gorlach, Manfred. “The Linguistic History of English”. Macmillan, 1997.

хилда янгилиниб, бойиб бормоқда. Энг сўнги маълумотларга қараганда инглиз тилида йилига 8500 та сўз кенгайди ва бу ўзгаришлар албатта турли жараёнлар таъсирида амалга ошмоқда. Ваҳоланки, бу кўрсаткич XX аср бошларида йилига 1000 та сўзни ташкил қилган.

Янги кириб келаётган сўзлар ушбу рақамларни асосий қисмини ташкил қилади.<sup>63</sup> Масалан; *asfashionistal, McJob, McMansion, wussy, bling, nerd, pearshaped, unplugged, fracking, truthiness, locavore, parkour, sexting, crowdsourcing, regift, meme, selfie, earworm, meh, diss, suss, emo, twerk, schmeat, chav, ladette, punked, vaping,*

Шунингдек сўзлар отлардан феъллар, феъллардан янги отлар ясашишидан ҳам кўпаймоқда.

Масалан; *to parent To mentor To channel To petrol* ва ҳоказо.

Ёки: бизнес тилида *a solve* - ечим, *a build* - қурилиш, *an ask* - сўров, талаб сўзларини ясашишида намоён бўлмоқда.

Кўшма отлар ҳам кўплаб ясашиши кузатилмоқда;

Масалан; *Stagflation, edutainment, flexitarian, Disneyfication, frenemy, confuzzle, gastropub, bromance, hacktivist, chillax, infomercial, share ware, dramedy, gaydar, welllderly*

Сўзларни қисқартма ҳолатда ишлатиш ҳам жуда оммалашган ҳозирги давримизда, интернет тармоқлари, ижтимоий ҳаётимизда, оғзаки нутқимизда қисқартмалар жуда фаол.

*YOLO (you only live once), LOL-laugh out of world*

*Sya-see you later- 2u-to you 4u- for you*

---

<sup>63</sup> Durkin, Philip. Global English . Oxford English Dictionary, 2007.

### 3.3. Маҳаллий вариантларнинг тил ривожига таъсири ва ўқитишдаги ўрни

XX аср ўрталарида Англияда таълим эркин ва умумий тусга киргач, 14 ёшгача болалар мактабда таълим олишларига тўғри келар, 1970 йилларда эса таълим олувчиларнинг ёш чегараси 15 ёшгача эди. Аср сўнгига келиб эса, 18 ёшгача таълим жараёнига ҳамма болалар ва ўсмирлар жалб қилинган эди. Дунё бўйлаб таълим, саводхонлик даражаси ривожда инглиз тилининг аҳамияти ҳақида жуда кўп таҳлиллар ва асосланган фикрларни кўриб чиқдик. Инглиз тилини стандарт кўриниши давлат тили бўлган ва бўлмаган даврларда ўргатилиши бутун дунёда ривожланиб бораётган фан техника ривожига билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзини ҳар соҳада билимдон деб ҳисобловчи ҳар бир кадрдан бирор хорижий тилни айниқса инглиз тилини билишни талаб этилиши бежиз эмас. Тил ўрганувчи қайси миллат, қайси ҳудуддан бўлишига қарамай стандарт инглиз тилини билиши ундаги хусусиятларни ҳам ҳисобга олган ҳолда фойдаланиши давр талабидир. Норасмий ҳолатларда ўзимизнинг тил хусусиятларимиз, шевалар, жаргонлар билан гапиришимиз мумкиндир, аммо расмий идораларда, ишда, жамоат жойларида стандарт инглиз тили, ёки расмий тилда сўзлашимиз талаб этилади.

Шу ўринда тил ўрганувчи ва ўргатувчи сифатида тилдаги ўзгаришлардан, янгиликлардан доимо хабардор бўлишимиз керак. Чунки тил ҳеч қачон бир қолипда турмайди, ўзгаради, бойийди. Аввалги даврларга қараганда ҳозирги замон тил ўзгаришлари ҳам фан техниканинг шиддат билан ривожланиши туфайли тез ўзгаришти. Гарчи стандарт инглиз тили луғатларда намоён бўлса ҳам улар доимий назорат ва таҳлил қилинишга муҳтож бўлади.

Масалан:<sup>64</sup> XIX-XX асрлар бошларида луғатларда *horse* - от-транспорт воситаси сифатида қўлланилувчи сўз сифатида тушунтирилган бўлса, ҳозирда машина, трамвай, поезд каби сўзлар билан ўрин алмаштирган. Технология ўзи билан бир неча янги сўзларни ҳам олиб кирмоқда. Масалан: *mouse* - авваллари сичқон, кемирувчи сифатида тушуниланган бўлса ҳозирда компьютернинг бир бўлаги сифатида тушунилади. Стандарт инглиз тилини Инглиз тилининг асосий грамматикаси асосида ҳам тушунтирилади. Аммо грамматикада ҳам ўзгаришларни кузатишимиз мумкинлигини дасталбки birlik, кўплик, предлоглар мисолларида кўриб чиқдик.

Бизни юртимизда инглиз тили иккинчи тил сифатида мактаб, коллеж, лицей, университет ва институтларда ўргатилади ва ўрганилади. Бу тилни юртимизга шиддат билан ривож топгани ҳам инглиз тилини халқаро тил сифатида бутун дунёга тарқалгани ва оммалашганидир. Анча вақтгача иккинчи тил сифатида рус тилига жуда катта эътибор берилар, ҳужжатлар ва расмий қоғоз ишлари ҳам рус тилида бажарилар эди. Булар албатта тарихийлик жиҳатдан, Ўзбекистонда бир вақтлар рус тилининг мавқеи баланд бўлганлиги билан баҳоланса, мустақиллик йилларидан сўзнинг нафақат рус тили балки бошқа хорижий тилларнинг ҳам ривожига катта эътибор қаратила бошланди. Хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатиш йўлида чиқарилаётган қарор ва фармонлар бир қанча. Бунинг ягона сабаби, ривожланиб бораётган фан техника дунёсида бизнинг, Ўзбекистон ёшларининг ўз ўрни ва фикри бор бўлиши учун яратилаётган шароитлардир.

Давлат таълим стандартларида хорижий тилларни ўқитишдаги алоҳида бобларни мавжудлиги, 2012 йил 11 декабрдаги чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисидаги

---

<sup>64</sup> “ Language Timeline”, The British Library Board.

фармон, ҳамда хорижий тил ўқитувчилари учун алоҳида имтиёзларнинг яратилганлиги юртимизда хорижий тилларни ўқитишдаги эътибор канчалик юқори эканлигидан далолат беради. Мустақиллик йилларидан бери 51.7 минг нафардан ортиқ чет тиллари ўқитувчилари тайёрланган бўлиб, уларнинг асосий қисмини инглиз тили ўқитувчилари ташил этади. Таълим жараёнида инглиз тилига қизиқувчилар жуда ҳам кўп. Шу билан биргаликда интернет материаллари, тил ўргатиш бўйича қўлланмалар ҳам бисёр. Аммо, таълим жараёнида ўқувчиларни тилга тўғри йўналтириш ҳам муҳим. Чунки инглиз тилини асосий 4 маҳорат-гапириш, ёзиш, ўқиш ва тинглаш асосида ривожлантирилса, тилни мукамал эгаллаш осонроқ бўлади. Тил ўргатишнинг бошланғич пайтларида ўқувчиларга инглиз тилининг тарихи, келиб чиқиши ва ўзига хос хусусиятлари ривожланиши айтиб ўтилиши жоиз. Чунки ўрганувчи ўрганаётган тилининг асосини билсин ва тушунсин. Маълумки, тил ўргатиш босқичма -босқич амалга оширилиб, улар луғат бойлигини ошириш, тил қоидалари, нутқни ўстириш машқлари, ўқиш ва таржима қилиш маҳоратлари билан аста секин амалгам оширилади. Аммо ўқувчида ташқи томондан интернет, ижтимоий тармоқлар, янгича нашрдаги китоблар орқали турли тил бўйича саволлар туғилиши табиий. Масалан; *colour* – *ранг* сўзини энди ўрганган бола, ўзининг қаламдони устида *color* шаклида ёзилган сўзни кўриб қолди. Ўқитувчидан *colour* ёки *color* тўғрилиги ҳақида сўраши турган гап. Чунки ўқувчида буларнинг биттаси хато деган тушунча пайдо бўлади. Шу каби муаммолар таълимда учрайди ва буларни олдини олиш учун болаларга инглиз тили ҳам икки хил асосий вариантдан Американча ва Британча инглиз тилидан иборатлиги тушунтириш зарур. Аммо унга қўшимча бўлган вариантларни ҳам айтиб ўтиш керак. Баъзида ўқувчилар ҳар хил кўшиқлардан, ностандарт инглиз тилига хос бўлган сўзларни таржимасини сўраб мурожат қилишади. Уларни қайси маънода ишлатилаётганлигини ўқитувчи тушунтириб бериши лозим. Демак, ўқувчиларга тилни расмий

норасмий, кўринишлари борлигини, жаргон, лаҳча ва диалектлардан таркиб топганини ҳам секин асталик билан тушунтириш лозим.

Ҳозирги замон ўқувчиси жуда талабчан, эътиборли ва таълим жараёнида ўта фаол. Бу эса ўқитувчиларни ўз устида янада ишлаб, дарс бериш жараёнида турли янгиликлар ва тушунтиришлар беришини талаб этади. Инглиз тили ўрганувчиларининг асосий қисмини 12 ёшдан 25 ёшгача бўлган ўрганувчилари ташкил этгани учун, ҳар бир ўқувчининг ёши, ақлий фаолияти, қизиқиши ва талабларига кўра дарс бериш мақсадга мувофиқ. Шу ўринда бир қизиқ савол туғилади. Авваллари инглиз тилини узокроқ муддатларда ўрганишар эди. Масалан, ёши каттароқ ака опаларимиздан 5 -6 йилда инглиз тили ёки немис тилини ўрганганлиги эшитиб баъзида таажубланамиз. Чунки, бугунги кунда тил ўрганиш жараёни тезлашгандай туюлади. Масалан ўқувчи яхшилаб ҳаракат қилса, бир йил ичида *intermediate* -яъни инглиз тилида бемалол гаплашадиган, тушунадиган, иншолар ёзадиган даражага етиши мумкин ва бу кўп бора исботини топмоқда. Бунинг сабаби, нимада деган саволга жавоб - тил ўрганишдаги янгича методларнинг шаклланганлиги, тил ўрганиш техникаси аввалгисидан тубдан фарқ қилиши ва албатта замонавий ахборот технологияларининг ривожланишидадир десак муболаға бўлмайди.

Ҳозирги замонда эскича анъанавий услуб яъни грамматика ва таржима билан дарс ўтиш эскирган ва сийқаси чиққан усул ҳисобланади. Ўқувчилар ўзлари қизиқиб турли манбалардан турлича саволлар олиб келиб ўқитувчини ўз устида янад кўпроқ ишлашига мажбур қиляпти. Тил қоидалари, луғат, нутқ фаолиятин ошириш билан биргаликда тилдаги алоҳида хусусиятлар кўча сўзлари, расмий, норасмий услуб шакллари, жаргонларнинг ўрганиш аҳамияти ҳақида тушунчалар бериш ҳам замон талаби. Чунки, тадбиркорлик, туризм, таълим туфайли бутун дунё бўйлаб саёҳат қилиш мобайнида кишида ушбу тил ҳақида тушунча бўлмаса турли

муаммолар келиб чиқиши ва тилдаги ноқулайликлар туфайли салбий вазиятларга тушиб қолиш ҳеч гап эмас. Ҳозирда ёшларимиз хорижий давлатлар университетларида бакалавр ва магистратура каби босқичларни ўқишни жуда ҳоҳлашади ва бунга эса етарли даражада тайёргарлик кўриш талаб этилади. Аммо, дунё илм масканларининг деярли барчаси инглиз тилини билиш даражасини белгиловчи IELTS ва TOEFL тест тизими балларини талаб қилади. Бу балларни олиш учун талабада инглиз тилининг энг юқори upper intermediate ва advanced даражаси бўлиши керак. Бу тест тизими мукамал бўлиб, оддий тест шакли эмас, унда алоҳида алоҳида 4 маҳорат - reading, writing, speaking, listening маҳоратлари текширилади. Бу имтиҳондан муваффақиятли ўтиш учун грамматикани билишнинг ўзи етарли эмас, ўқувчи эркин сўзлаша олиши, маҳаллий нутқ наъмуналарини тинглаб шу асосда саволларга жавоб топиши, исталган услубда бериладиган матнлар асосидаги тестларни бажариши ва расмий инглиз тилида мураккаб иншоларни ёзиши талаб қилинади. Зеро, буюк бобокалонларимиз таъкидлаганларидек мукаммалик ҳамиша ўрганиш ва изланишдан иборатдир.



### III боб бўйича хулосалар

Ушбу бобда инглиз тилини умумий маҳаллий кўринишлари яъни бу тилда шевага хос сўзлар, лаҳча, жаргон сўзларни ишлатилиши, инглиз тилининг расмий ва норасмий кўринишлари, академик инглиз тили, адабий инглиз тили ҳақида сўз юритилди. Тилдаги мавжуд бўлган шевага хос сўзлар, лаҳчалар унинг хилма хиллигига, нутқнинг таъсирчанлигини оширишига гувоҳ бўламиз. Шевага хос сўзлар айнан маълум бир ҳудуд ёки минтақа кишиларигагина тушунарли ва таниш бўлган сўзлар бўлиб, улар тил ривожига ва луғат бойлигининг ошишида бевосита хизмат қилади. Шунингдек, шевага хос сўзлар адабий тил қоидаларидан йироқ фақатгина сўзлашув услубида ишлатилиб, тилнинг адабий нормаларига бўйсунмайди. Улар стандарт инглиз тилидан грамматик, талаффуз, ва луғат таркиби билан фарқланади.

Тил ўрганишдаги имкониятлар ва шароитлардан имкони борича фойдаланиш, халқаро тил даражасига айланган инглиз тилини стандарт кўринишларини, ностандарт кўринишларини, тилдаги жамики ўзига хос бўлган хусусиятларни ўрганиш керак. Айниқса, бу шу тил бўйича ўзини мутахассисман деб ҳисобловчи ҳар қандай тилшунос бўлсин ёки оддий педагог тил нормаларини ва қонун қоидаларини тўлиқ билиши керак.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР.

Инглиз тилининг адабий ва ҳудудий вариантларининг қиёсий таҳлили устидаги изланишлар олиб борилаётганига қўп бўлмади. Шунинг учун ҳам бу масалани ўрганиш жараёнида бир қанча муоммаларга дуч келиш мумкин.

Улар қаторига қуйидагилар киради.

1. Адабий ва минтақавий вариант турлари;
2. Адабий вариантлар ўртасидаги фарқлар ва ўхшашликлар;
3. Адабий инглиз тилида шева ва жаргонларнинг ишлатилиш ўринлари;
4. Адабий инглиз тилини ўқитишда талаффуз нормалари;

Тадқиқотимизда адабий инглиз тилининг ҳудудий вариантларига турли ёндошувлар таҳлили билан танишиш, вариантлар ўртасидаги фарқлар ва ўхшаш жиҳатларни таҳлил қилишимиз инглиз тилининг адабий варианты ҳақида маълум хулосалар чиқаришимизга имкон яратди.

Инглиз тилининг адабий варианты ҳақидаги дастлабки хулосамиз унинг келиб чиқиш тарихи, минтақалараро ўзгариши ва турланиши билан боғлиқдир. Бугунги кунда жами беш қитъада сўзлашилувчи инглиз тилининг ҳаётийлик давомийлиги IV асрдан ошади. Тадқиқотимизда адабий инглиз тили, вариантлар ва диалектларни ўрганиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Стандарт инглиз тили шу тилнинг адабий кўриниши бўлиб инглиз тилида гаплашадиган барча давлатлар ва дунё миқёсида тан олинган ва қабул қилинган кўриниши;
2. Инглиз тилининг ҳудудий вариантлари тил нормаларини ҳудудлараро танлаб олинган ва кенг ишлатиладиган кўриниши

ҳисобланиб, улар жойнинг аҳоли қатлами, маданияти, тарқалишига қараб турланади;

3. Маҳаллий диалектлар оғзаки нутқ учун хос бўлиб, улар адабий тил меъёрларига алоқадор эмас ва фақатгина маълум ҳудуд ва кишилар мулоқотини бойитувчи тил кўриниши ҳисобланади;

Кейинги хулосамиз инглиз тили вариантларининг грамматик, лексик, семантик ва морфологик жихатлари билан боғлиқдир. Инглиз тилининг ҳудудий вариантларини таҳлил қилар эканмиз, улар юзасидан қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Стандарт инглиз тили қонун қоидаларига Британча инглиз тили асос қилиб олинган.

2. Инглиз тилининг Британча ва Американча вариантларига бўлинишида тилдаги ишлатилиш ёки ишлатилмаслик хатолари асосида эмас, балки тилдаги фойдаланувчиларга бўлган қулайликлар сабаб икки асосий вариантга ажраган.

3. Инглиз тилининг стандарт ҳолатдаги кўриниши асосан икки вариантда: американча ва британча инглиз тилида.

4. Турли ҳудудларда сўзларнинг ишлатилишида семантик жихатидан бир-бирига мос келмай қолиши ва вариантларда лексик бирликларнинг эквиваленти камлиги лексик фарқларни юзага келишига сабаб бўлади;

5. Диалектга хос сўзлар асосий уч қисмга:

- а) ҳудудий диалектлар

- б) классик диалектлар

- в) адабиётда ишлатиладиган диалектлар бўлинади.

6. Инглиз тилининг ҳудудий вариантларида фақат ўша ҳудуд учун хос бўлган сўзларнинг ҳам мавжудлиги.

Инглиз тилини стандарт кўриниши давлат тили бўлган ва бўлмаган даврларда ўргатилиши бутун дунёда ривожланиб бораётган фан техника ривожини билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзини ҳар соҳада билимдон деб ҳисобловчи ҳар бир кадрдан бирор хорижий тилни айниқса инглиз тилини билишни талаб этилиши бежиз эмас. Тил ўрганувчи қайси миллат, қайси ҳудуддан бўлишига қарамай стандарт инглиз тилини билиши ундаги хусусиятларни ҳам ҳисобга олган ҳолда фойдаланиши давр талабидир. Ўтган даврга қараганда ҳозирги замон тил ўзгаришлари ҳам фан техниканинг шиддат билан ривожланиши туфайли тез ўзгаришга эришди.

Тил ўрганувчи тил ўрганишнинг дастлабки босқичиданоқ тилдаги маҳаллий хусусиятларни ўрганиб бориши айниқса Британча ва Американча инглиз тилининг фарқли жиҳатларини билиши керак. Фикримизча, дарсликларда, қўлланмаларда ҳам инглиз тилини маҳаллий кўринишлари ҳақида маълумот берувчи боблар киритилиши керак. Зеро, ҳеч қайси тил фақат грамматик тил қоидаларидан иборат эмас, ундаги турли лингвистик безаклар-жаргонлар, лаҳчалар, диалектлар, шевага хос сўзлар, иборалар мавжуд.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, бу каби тилдаги хусусиятлар тилнинг ривожига, бойишига ва оммалашувига ўз таъсирини ўтказди ва албатта кейинчалик стандарт тил кўринишларини ҳосил қилади. Бутун дунё бўйлаб доминантликни қўлга олган ва олаётган бо дан ортиқ давлатларда расмий тил сифатида ишлатилаётган инглиз тилининг келажак учун ҳам ўз ўрни ва аҳамияти бор.

Тил истеъмолига талаб ортиб борар экан, унинг минтақалараро фарқланиб ривожланиши турли ҳудудий бўлинишларга олиб келади.

Тадқиқотимиз давомида адабий ва ҳудудий вариант турлари, улар ўртасидаги фарқлар ва ўхшашликлар, шева ва жаргонларнинг ишлатилиш ўринларини очиб беришга ҳаракат қилдик. Ўйлаймизки, бизнинг инглиз тилининг адаби варианты устида олиб борган изланишларимиз ҳорижий тил ўрганувчиларнинг тил ўзлаштириш жараёнини осонлаштиради ва зарурий манба бўлиб хизмат қилади.

## **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрга «Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сонли Қарори.
2. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015. 252-б
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.–Т.: Ўзбекистон, 2016.14 – б.

## **II. Асосий адабиётлар.**

1. Абдуазизов А.А. Ҳозирги инглиз тили назарий фонетикаси.- Т.:1986.
2. Абдуазизов А.Тилшунослик назариясига кириш. –Т.:”Шарқ” 2010.
3. Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – М.:1973.
4. Антрушина Г.Б., АфанасьеваО.В., Морозова Н.Н. Лексикология английского языка. –М.:1985.
5. Александрова О.В. Хрестоматия по английской филологии. –М.:1991.
6. Аракин В.Д. История английского языка. – М.:1985.
7. Беляева Т.М.,Потапова И.А. Английский язык за пределами Англии. – М.: 1961.
8. Иванова И.П., Чахоян Л.П. История английского языка. – М.: 1976.
9. Маковский М.М. Английские социальные диалекты. –М.:1982.
10. Маковский М.М. Английская этимология. – М.: 1986.
11. Расторгуева Т.А. История английского языка. –М.:1983.
12. Смирницкий А.И. Древнеанглийский язык. – М.:1955.

13. Степонавичюс А.Ю. Историческая фонология английского языка. – М.:1987.
14. Филиппов Е.Н. Соотношение общеанглийской и американской лексики в американском варианте английского языка. – М.:1967.
15. Швейцер А.Д. Литературный английский язык в США и Англии. – М.:1971.
16. Шах-Назарова В.С. Практический курс английского языка. – М.:1998.
17. Ярцева В.Н. Развитие национального литературного английского языка. – М.:1968.
18. Azar. Fundamental English Grammar book, 3<sup>rd</sup> editon.
19. Bex, Tony; Richard J. Watts. Standard English: The widening debate. Routledge.1999.
20. Blake, N. F.A History of the English Language.(Basingstoke: Palgrave).1996.
21. Burridge, Kate and Bernd Kortmann (eds). Varieties of English: vol 3, The Pacific and Australasia.(Berlin and NY: Mouton de Gruyter).2008.
22. Binder, David. (14 September 1995). "Upper Peninsula Journal: Yes, They're Yoopers, and Proud of it".New York Times, sectionA,page16.
23. Bartlett, Ray; Gregor Clark; Dan Eldridge; Brandon Presser. Lonely Planet New England Trips. Lonely Planet. Retrieved 4 September2013.2010.
24. Coulmas, Florian; Richard J. Watts. Sociolinguistics: The study of speaker's choices. Cambridge: Cambridge University Press. 2006.
25. Crowley, Tony. Standard English and the Politics of Language (2nd ed.). Palgrave Macmillan. 2003.

26. Crystal David . The Fight for English: How language pundits ate, shot and left. Oxford: Oxford University Press. 2006.
27. Crystal, David.A Dictionary of Linguistics and Phonetics. 4th ed. (Oxford: Blackwell).1997.
28. Concise Oxford companion to the English language, pp. 96–102. 2005.
29. Crystal David. The Cambridge encyclopedia of the English language (2nd ed.). Cambridge University Press.2003.
30. Collins, Jim. "Mud season: New England's fifth season". Yankee. Retrieved 4 September 2013.
31. Durkin, Philip. "Global English", Oxford English Dictionary, 2007. Accessed 2007-11-07.
32. Daniel Schreier, Peter Trudgill. The Lesser-Known Varieties of English: An Introduction. Cambridge University Press, Mar 4, 2010 pg. 10
33. Freeborn, Dennis. From Old English to Standard English: A Course Book in Language Variations Across Time (3rd ed.). Palgrave Macmillan. 2006.
34. Gorlach, Manfred. "The Linguistic History of English" (Basingstoke: Macmillan).1997.
35. Gramley, Stephan; Kurt-Michael Pätzold. A survey of Modern English. London: Routledge.2004.
36. Harder, Jayne C., Thomas Sheridan: A Chapter in the Saga of Standard English, American Speech, Vol. 52, No. 1/2 (Spring - Summer, 1977), pp. 65–75.
37. Hickey Raymond. Legacies of Colonial English. Essen University: Cambridge University Press. 2004.



38. Hudson, Richard A. *Sociolinguistics* (2nd ed.). Cambridge: Cambridge University Press. 1996
39. Hot English magazines. 127,128,134,118 version
40. Hickey Raymond. *Dublin English: Evolution and Change*. John Benjamins Publishing. 2005.pp. 196–198.
41. Hickey Raymond. *A Source Book for Irish English* . Amsterdam: John Benjamins Publishing. 2002.pp. 28–29.
42. Kryss Katsiavriades. "The Origin and History of the English Language"
43. Kortmann, Bernd and Clive Upton (eds). *Varieties of English: vol 1, The British Isles*(Berlin and NY: Mouton de Gruyter).2008.
44. Mesthrie, Rajend (ed).*Varieties of English: vol 4, Africa, South and Southeast Asia* (Berlin and NY: Mouton de Gruyter).2008.
45. Mugglestone, Lynda. *The Oxford History of English*. Oxford: Oxford University Press.2006.
46. Moore, B. *Speaking our language: the story of Australian English*, Oxford University Press, Melbourne.2008.p. 69.
47. Schneider, Edgar W. (ed). *Varieties of English: vol 2, The Americas and the Caribbean*. (Berlin and NY: Mouton de Gruyter).2008.
48. Smith, Jeremy.*An Historical Study of English: Function, Form and Change*. (London: Routledge)1996.
49. Thorne, Sarah. *Mastering Advanced English Language*. (Basingstoke: Macmillan)1997.
50. Wright, Laura. *The Development of Standard English, 1300 - 1800: Theories, descriptions, conflicts*. Cambridge: Cambridge University Press.2000.

51. Wells, J. C. Accents of English 2: The British Isles.1982.
52. Wells . Accents of English.2006. P.595
53. Wakelin, Martyn Francis. Discovering English Dialects. Oxford: Shire Publications. 2008.p. 4
54. Wells. Accents of English. Cambridge University Press. 1983. page 351.
55. Wolfram, Walt, and Natalie Schilling-Estes. American English: dialects and variation second edition. New York: Wiley-Blackwell.2006.

### **III. Интернет сайтлари.**

1. [http://www. Englishteaching .org.uk](http://www.Englishteaching.org.uk) (British Council)
2. <http://www.ziynet.uz> (Ўзбекистон миллий кутубхонаси)
3. [http:// www.gutenberg.org](http://www.gutenberg.org) (Project Gutenberg Website)
4. <http://www.Define Stoop at Dictionary.com>